



ISHONCH

ОЛИЙ БАХТ

Газета 1991 йил
21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 22 апрел, шанба № 71-72 (2121)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУСОБАҚАЛАРГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ



Шу кунларда барчанинг нигоҳи Қашқадарё вилояти маркази Қарши шаҳрига қаратилган. Бу ерда «Умид ниҳоллари-2006» мусобақалари бошланишига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти.

Куни кеча вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят раҳбарлари «Ҳафизабону» оромгоҳига тўпландилар.


Мусобақалар дастуридан ўрин олган футбол, баскетбол, волейбол ҳамда қўл тўпи ўйинларида иштирок этиши лозим бўлган вилоятлар жамоалари қуръа ташлаш йўли билан ўз жамоадошларини аниқлаб олдилар.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов очиб, мусобақа иштирокчиларига омад тилади.

Футбол бўйича Бухоро ҳамда Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри билан Наманган, сурхондарёликлар Қорақалпоғистон республикаси ёшлари билан, Фарғона вилояти Андижон билан, Сирдарё вилояти вакиллари самарқандликлар билан, жиззахликлар навоийликлар билан ўзаро куч синашадиган бўлишди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мусобақа тақвимида ўрин олган жамоавий спорт турларида «Умид ниҳоллари-2003» баҳсларида ғолибликни қўлга киритган жамоа дастлабки тур учрашувларини ўтказиб юбориш имкониятига эга бўлишди. Мезбон жамоа сифатида иштирок этаётган Қашқадарё жамоаси ҳам деярли жамоавий ўйинларнинг кейинги босқичларида иштирок этишади.

Шундай қилиб, «Умид ниҳоллари-2006» мусобақасида тарихий воқелик — илк бор қуръа ташлаш йўли билан рақиб жамоалар аниқланди. Бу эса мусобақаларни кескин, муросасиз курашларга бой ҳамда адолатли ўтишини таъминлайди. Кичик олимпиада сифатида эътироф этилаётган мазкур мусобақа иштирокчилари орасидан рекордчилар ҳамда халқаро ареналарда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган муносиб спортчилар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» муҳбири



ёритиш мақсадида Қаршида очилган Интернет саҳифаси орқали мусобақалар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони яратилди.

Интернетга ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида тайёрланган маълумотлар узатилади.

Шунингдек, интернет саҳифаларидан «Умид ниҳоллари-2006»


WWW.UMIDNIHOLLARI.UZ WEB SAҲИФАСИ ОЧИЛДИ

Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларининг очилишига саноқли кунлар қолди. Айни пайтда мусобақалар ўтказиладиган Қарши шаҳрининг Олимпия за-

ҳиралари спорт коллежи қошида иш бошланган «Матбуот маркази»да доимий навбатчилик ташкил этилган бўлиб, журналистлар учун барча қулайликлар бор. Мусобақаларни дунё миқёсида

кундалиги, Қашқадарё вилояти янгиликлари, ҳақамлар ҳаётининг ишлари, табриклар, маданий тадбирлар, фото ҳамда тарихий лавҳалар жой олади.

Ўз муҳбиримиз



2006 йил — Ҳомийлар
ва шифокорлар йили

3-бет

ИНСОН АЗИЗ

Долзарб мавзу

Инсоният учун табиатнинг ўзи бир мўъжиза. Одам Ато ва Момо Хаво яралганидан бери борлик ҳамиша сирли ва сехрли. Авлод-аждодларимиз учун оби-ҳаёт манбаи бўлган буюк нахр сохилларидан ўзлашиб, жонли, жонсиз мавжудотни ташлаб кетмоқда. Орал дарди—олам дарди, Шу боис бу аср муаммосига айланди.

4-бет

Касаба уюшма фаолларининг
сиртқи мактаби

ФИКРЛАР БИЛАН ҚАНАҚА ИШЛАЙМИЗ?

шакл ва услуб
ўзгаради, моҳият эмас


2-бет

Спорт оламида




9-бет

ЮЗ ЙИЛЛИК ДАРАХТ




Бир туп ёнғоқ эксанг, бир умр мева терасан

БУГУННИНГ ГАПЛАРИ



10-бет

СКАНВОРД



11-бет

О РОЛНИ А СРАГАН
ЛАМНИ А СРАЙДИ

TV
5-8-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН	ПЕРВЫЙ
YOSHLAR	РОССИЯ
TOSHKENT	ТВ-3
SPORT-TV	СТС
HTB	

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингх 2006 йил 25-26 апрел кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокара яқунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимизда қасаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 5 январда эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

КАСАНАЧИЛИК - БАРАКАЛИ ИШ



Мазкур ҳужжатга биноан йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар, тайёргарлик ва малака даражаси етарли бўлмагани боис ўзига муносиб иш топишга қийналаётган юртдошларимиз қасаначиликка кенг жалб этилади.

- Шу кунгача қирқ нафар ки-

шини шартнома асосида иш билан таъминладик, - дейди «Тошикрафт» масъулияти чекланган жамияти директори Шермухаммад Усмонов. - Улар ўз уйларида асосан бичиш-тиқиш ишлари билан шуғулланмоқда. Йил охирига қадар қасаначиларни янада кўпайтириш ва уларга зарур барча шароитларни яратиб бериш ниятидамиз.

(ЎЗА)

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг 2005 йил 26 август куни Қозон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Чернобил фожиасининг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Мурожаати қабул қилинган эди. Куйида ана шу Мурожаат матни эълон қилинмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг Чернобил атом электр станциясида рўй берган авариянинг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар халқлари ва жаҳон ҳамжамиятига МУРОЖААТИ

2006 йил 26 апрел куни Чернобил атом электр станциясида авария юз берганига 20 йил тўлади. У етказган зарари ва оқибатлари кўлами жиҳатидан XX асрнинг энг йирик техноген радиацион фожиаси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Чернобил аварияси оқибатларини ёдга олган ҳолда, ушбу фожа юз берган сана муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар халқларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларга, бутун жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилади.

Мазкур авария натижасида ўзини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмаган, бу қандай кулфат эканлигини қийинчилик билан тушуниб етган миллионлаб одамлар бу муносабатдан танг ҳолга тушди. Кўплаб оилалар уй-жойидан айрилди, тиркичилик манбаидан маҳрум бўлди, одатдаги турмуш тарзи ва шароитини ўзгартиришига тўғри келди.

Чернобил атом электр станциясида рўй берган фожа оқибатларини тугатишда қатнашган юз минглаб одамлар - ҳамюртларимиз жасорат ва жонбозлик кўрсатмаганида фалокат кўлами мислсиз даражада катта бўлиши мумкин эди. Улар ўз ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, ўз бурчини адо этдилар ҳамда одамларни радиациянинг ҳалокатли таъсири ва янада кенг тарқалишидан ҳимоя қилдилар.

Фожа оқибатларини бартараф этиш борасида ўша вақтнинг ўзида ва кейинги йилларда факулдда катта харажатлар талаб қиладиган чоралар кўрилганига қарамай, Чернобил атом электр станцияси ҳамон Европа марказидаги катта хавф манбаи бўлиб қолмоқда. Бу таҳдидни яқин вақт ичида ва энг янги технологиялар асосида камайтириш бизнинг умумий манфаатларимизга мос келади. Шу муносабат билан жа-

ҳон ҳамжамиятининг илмий-техникавий ва молиявий салоҳиятини марказлаштирган ҳолда мазкур «Ёпик» объект хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига йўналтириш зарур.

Ҳозирги босқичда зарарланган ҳудудларни комплекс тарзда радиацион ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш ушбу даҳшатли фожа оқибатларини бартараф этиш борасидаги энг долзарб муаммолардандир.

Айни пайтда зарарланган минтақаларда шароит ўта мураккаб бўлиб, бу экологик инфратузилманинг вайрон бўлгани, меҳнат ресурсларининг четга чиқиб кетгани ва демографик муаммолар билан боғлиқ. Атроф-муҳитнинг Чернобил атом электр станциясида юз берган фожадан кейинги ҳолати аҳоли учун яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини чеклаб қўймоқда. Айниқса, зарарланган ҳудудларда яшаётган аҳоли ва фожа оқибатларини бартараф этишда қатнашган одамларнинг саломатлиги жиддий ташвиш тугдиради.

Тиклаш ишларидан кўзланган асосий мақсад - зарарланган минтақаларни барқарор ривожлантириш ва уларнинг иқтисодини кўтариш - янги ёндашувлар, илмий асосланган қарорлар, катта миқдордаги моддий харажат, халқаро ҳамжамиятнинг молиявий, техникавий ва илмий кўмагини талаб этади.

Биз Чернобил фожиасининг кўлами мислсизлигини, кўплаб авлодлар ҳаётига таъсир ўтказиши мумкинлигини англаган ҳолда, Чернобил атом электр станциясида рўй берган авария натижасида қурбон бўлган инсонлар хотирасини ёд этиш ва соғлигини йўқотганларга гамхўрлик кўрсатиш, мазкур кулфат оқибатларини камайтириш учун бор имкониятларимизни ишга солиш йўлидаги қатъий азму шижоатимизни маълум қиламиз.

Касаба уюшма фаолларининг сиртқи мактаби

Табий ва тарихий ривожланиш бизнинг ихтиёримиздан ташқари ўларок ўзлуксиз давом этаверади. Яъни ўзгариш ва янгиланишлар ҳамиша муқаррардир. Шунга яраша шаклан такомиллаштириш, услубан мукамалликка эришиш ижтимоий тараққиёт босқичларида даврга мос фаолият юритиш деганидир.

Иқтисодий ислохотларнинг зарур шарт сифатида ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил этилаётти. Мулкчиликнинг янги шакли, меҳнат муносабатларининг янги тизими вужудга келмоқда. Бу эса касаба уюшмалари фаолиятида янги ёндашувларни тақозо этади. Очғи, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳукм сурган оғир вазият тармоқдаги касаба уюшма ташкилотлари ишини ҳам қийинлаштириб юборган эди. Узоқ вақт мобайнида иш ҳақи тўланмаслиги, ижтимоий имтиёзлар қўлланилмаслиги ва бошқа кўпгина масалалар ҳал этилмаслиги асосий муаммолардир. Ширкат хўжаликлари касаба уюшма ташкилотларининг уддабурон, қатъиятли етакчилари ҳар ҳолда бу масалаларга имкон қадар ечим топиб келдилар. Энди эса бутун тармоқда мулкчилик шакли тўлиқ ўзгариб, бир неча ширкатлар ўрнида юзлаб фермер хўжаликлари ташкил этилган аснода ишни бутунлай янгидан бошлаш керак шекилли.

Бошқа томондан олиб қараганда, бу ўзгаришлар биз учун янгилик эмас. Биринчидан, фермерлик ҳаракати бошланганига анча бўлди. Касаба уюшмалари илгаридан фаолият юритаётган фермер хўжаликлари билан иш олиб бориб, муайян тажриба орттиришган. Иккинчидан, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланиши ўтган йиллар мобайнида касаба уюшмалари учун са-

боқ ва тажриба мактаби бўлди. Қисқаси, кенг кўламли бундай ўзгаришлардан хавотирга тушмай, ишларни изчил давом эттиравериш зарур.

Фермерлар билан ишлашнинг қийинчилиги нимада? Аввало шунини

салбий таъсир қиляпти.

Янги шароитда ишлаш борасида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Пайариқ туман кенгашида анчагина тажриба тўпланган. Бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш керак. Энди мукамал ечимини топмаган баъзи масалалар хусусида тўхталайлик. Фикримизча, шу вақтга қадар ширкат хўжаликлари учун ёзилган жамоа шартномаларининг тўғридан-тўғри шу ҳолича ёки ҳатто, жузъий ўзга-

ФИКРЛАР БИЛАН ҚАНАҚА ИШЛАЙМИЗ?

шакл ва услуб ўзгаради, моҳият эмас

айтиш керакки, ўз хусусиятига кўра фермер хўжаликлари тарқоқ жойлашган. Алоқа воситаларига эга эмас. Иккинчидан, фермер хўжаликларининг меҳнат жамоалари кам сонли бўлиб, асосан оилавийлик таъминлари таянган. Учунчидан, фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан билимлари ҳали етарли эмас. Натижада амалдаги қонунчиликда белгиланган ходимларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини рўёбга чиқаришнинг кафолати бўлган меърий ҳужжатлар аҳамиятини тўлиқ англаб етишмайди. Айнан шу нарса касаба уюшмаларининг фермерлар билан ишлаш жараёнини изга тушириб юборишга

ришлар билан фермер хўжаликларида қўллаб бўлмади. Чунки хусусий мулкчиликка ва оилавийликка асосланган бундай тузилмаларда касбларнинг чегараланиш доираси йўқ. Бевосита хўжаликка оид юмушлар уй-рўзғор ишлари билан аралаш ҳолда бажарилаверади. Масалан, фермер хўжалиги аъзоси меҳнат таътилидан барча ишдан озод бўлиб, амалда фойдаланганини билмаймиз. Шунингдек, иш вақтини меъёрлаш ҳам жуда мураккаб масала. Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикр билдириш мумкин. Фермер хўжаликларида қўлланишга мўлжалланаётган жамоа шартномаси лойиҳалари-

дан бирининг матнида «Меҳнат муҳофазасига оид кўрғазмалар воситалар, йўриқномалар, плакатлар, эс-латмалар билан таъминлайди, маҳсул хона жихозлайди» деган мазмундаги банд бор. Деярли барча фермер хўжаликларининг идораси ҳам, техника устахонаси ҳам, гаражи ҳам одатда яшаб турган уйда, ҳовлисида жойлашган бўлади. Бинобарин, бу масалага бошқача ёндашиш керак.

Айрим фермерларда касаба уюшмаларининг бизга қандай нафи тегади, деган тушунча бор. Балки янги шароитда фаолиятни айни мана шу саволга ўринли, амалий жавоб беришдан бошлаш керакдир. Бунинг учун фермерларнинг бизнес-режасини ўрганиш, уни такомиллаштиришга, харажатлар рўйхатига меҳнат муҳофазаси, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, муқофотлаш масалаларини қўлай тарзда киритишга ёрдам бериш керак. Бундан ташқари, фермерлар учун иқтисодий ва ҳуқуқий билим берадиган машғулотларни тақлиф этиш тақозо этади. Бундай муносабатларнинг ҳақиқий оқибатларини одамларга ва мутасаддиларга тушунтириш ва унинг олдини олиш касаба уюшмаларининг мавқени оширади, холос.

Шундай қилиб, қонунда белгиланган ваколат доирасида ўз вазифаларини бажариш билан бирга касаба уюшмалари етакчилари иш берувчиларга, айниқса, фермерлар учун иқтисодий ва ҳуқуқий маслаҳатчи сифатида майдонга чиқишлари керак. Айни пайтда жаҳондаги илғор мамлакатлар касаба уюшмаларининг бу борадаги тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Муродбек катталарга ҳурмати-ю кичикларга меҳрибонлиги билан обрў топган. Хизмат сафари билан Попга йўлим тушганда ана шу кадрдонимни кўлида каттагина сумка билан автобекатда турганида учратиб қолдим.

— Холтўра тогани кўриб кетяпман, — деб қолди сўрашарканмиз. — Бечоранинг яқинлари ўтиб кетишган. Ўглининг ўлимидан кейин гапдан чалғийдиган бўлиб қолганди. Оксоқоллар маслаҳатига кўра шу ердаги Меҳрибонлик уйига топширганмиз.

Холтўра тоганининг фожиали тақдирини эшитганман. Беш йил илгари кампири вафот этган. Бир йилдан сўнг қизи икки боласи билан тунда жўраги очиб қолган газ портлашидан ҳалок бўлди. Бу кўргилик камлик қилганидек, яқна-ю ёлғиз ўн саккиз ёшли ўглини машина уриб кетди. Тўғри, маҳалла-кўй, кўни-кўшнилари қараб туришмади. Холқудрат қўллаб-қувватлашди. Ҳар куни навбат билан иссиқ-совуғидан хабар олишни йўлга қўйишди. Лекин устма-уст кўргилик тогани анча букиб қўйди. Бу ҳам етмаганидек, йўқотишлар таъсириданми, гапдан чалғийдиган, гоҳо кўча-кўйда тентирайдиган, баъзан эса уйини ҳам адаштирадиган одат чиқарди. Шундан сўнг оксоқоллар маслаҳатлашиб ва шифокорлар тавсиясига кўра Поп туманидаги Меҳрибонлик асаб касалликлари ногиронлар уйига жойлаштирилди. Одамгарчилик барибир яхши-да, маҳалладошлар навбат билан тогадан хабар олиб туришибди. Уни ёлғиз қўйишмапти ва қаровсиз қолдиришмапти.

— Бу ердаги шарт-шароит, ногиронлар уйидаги оддий ходимдан тортиб бош шифокоргача беморларга нисбатан гоёт меҳрибонлик билан муносабатда бўлишаётганликларини, ёш болалардек авайлаб-асрашаётганликларини кўриб кўзингиздан ёш чиқиб кетади, —

дейди суҳбатлашарканмиз Муродбек. — Тоғанинг ўзиям бу ҳақда кўзида ёш билан гапириб қолди: овқатлари мазали, айтган вақтимизда чой дамлаб беришди. Ҳатто, қандай таомни яхши кўришимизгача сўраб-суриштиришди. Биздек ёши ўтганроқ беморларга юмшоқроқ овқат тайёрлаб беришни унутишмайди, дейди. Тоғанинг кўриниши анча яхши, юзларига қон югурган... Гоҳо-гоҳо, гапдан чалғиб кетишлигини демасангиз, соғлом қиёфага кириб қолибди.

Кадрдонимнинг ана шу сўзлари баҳонасида тумандан қайтишимда катта йўлдан унча узоқ бўлмаган ушбу ногиронлар Меҳрибонлик уйида тўхтадим.


Асрий тоғлар остонасида жойлашган туман чинакамга табиат ардоқлаган масканлардан. Қаёққа қараманг, дов-дахт. Туманнинг кўп жойидан сойлар кесиб ўтади. Бунинг устига Сирдарё тарафдан эсадиган салқин шамол саратон ойларида ҳам офтоб жазирамаси кучини пасайтиради. Биз сўз юритаётган шифо маскани эса янгам латофатли. Маҳаллий шароитга мос турли-туман мевали ва хушманзара дарахтлар билан бир қаторда абадий яшилликка бурканган арчалар қад керган.

— Бизда бугунги кунда асаб

касаллигининг турли хил оғир шаклларига чалинган 250 бемор мавжуд, — дейди бош шифокор Илҳомжон Турдиалиев. — Касалликнинг бундай турига чалинганлар учун турли дори-дармонлар билан бир қаторда атроф-муҳит, чунончи, улар яшаётган маскан кўриниши, табиат манзаралари, об-ҳаво муҳим аҳамиятга эга. Турли хил шовқин-сурон, нохуш кўринишлар, атрофдагиларнинг асабий гап-сўзлари улар касаллигини баттар оғирлаштиради. Бинобарин, худудимизни доимо озода, хушманзара, саранжом-сарийшта ва чиройли кўринишда сақлашга интиламиз ҳамда бу борада барча зарур чораларни кўрамиз. Бизда ишлаётган барча шифокорлар ва ўрта махсус тиббиёт ходимлари ўз соҳаларининг чинакам мутахассислари ҳисобланишди, улар беморлар билан муомала қилишнинг ҳақиқий усталаридир.

Бу ерда муолажа жараёнида ҳозирги замон тиббиёт фанининг энг янги техникаси ва усулларидан кенг фойдаланилади. Бунинг учун барча асбоб-ускуналар ва шарт-шароит муҳайё. Физיותרрапия ва даволаш кабинетлари беморлар хизматида. Ўтган йили янги тиш даволаш механизмлари келтирилди.

Бош шифокор билан бемор



да қорамолчилик фермасини ташкил этганмиз. Бу эса бизга ошхонани гўшт билан таъминлашда ва беморларга овқат рақонидо доимо сут ҳамда сутли таомлар бўлишида асқотмоқда. Шунингдек, деҳқончилик ёрдамчи хўжалигимиз қошида картошка, сабзи, пиёз ва бошқа маҳсулотлар етиштиряпмиз.

— Бу ўринда фурсатдан фойдаланиб яна бир нарсани мамнуният билан тилга олиб ўтгимиз келади, — деди хайрлашимиз олдида И.Турдиалиев. — Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди. Биринчидан, бу нарса биз

тиббиёт ходимлари учун алоҳида ғамхўрлик ва эътибор бўлса, иккинчидан, ҳомийлар зиммасидаги масъулиятни тагин ҳам кучайтиради. Биз фурсатдан фойдаланиб ташкилотимизга ҳомий сифатида ҳаммиша ёрдам кўлини чўзиб келаётган «Поп-Фен» кўшма корхонаси, «Машъал» ширкат хўжалиги, «Ўзбеккровля» комбинати маъмуриятларига ўзимизнинг чин юракдан миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Попдан қайтарканман, ўйлаб қолдим. Газеталардан бирида қайсидир мамлакатда асаб касаллигига чалинганлардан тезроқ кутулишга ҳаракат қилинишлигини ўқиغانлигим эсимга тушди. Ажабо, ким ҳам ўз хоҳиши билан шундай бўлгиси келади? Бу ҳам тақдир, кўргилик. Ўзбекистонимизда бундай турдаги беморларга қилинаётган ғамхўрликни ҳозиргина бир Ногиронлар уйи мисолида кўриб чиқдик. Ҳа, инсон азиз, зеро муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Шундай экан, мамлакатимизда бу борада қилинаётган ишларга, беморларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун ҳам қанча миннатдорчилик билдирилса, оз!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ИНСОН АЗИЗ

лар истиқомат қиладиган палаталарни кўздан кечирдик. Уч-тўрт ўринли стол-стул, вазаларга турли рангдаги анвойи гуллар қўйилган, мўъжазгина гилам тўшалган. Залда телевизор ишляпти.


Ошхона ҳам озода, ёруғ, столларга қордек оппоқ дастурхонлар ёзилган. Тушликка борш ва гуляш тайёрланганлигини айтишди. Бош ошпаз Баҳодир Мухси-

новнинг таъкидлашича, ҳар бир беморнинг бир кунлик овқат қиймати 1200 сўмданга тўғри келар экан. Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, бу ерда овқатлар нархини арзонлаштириш ва турини кўпайтириш чораси ҳам кўриляпти. — Бу борада ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилганлиги кўл келмоқда, — дейди бош ошпаз. — Чунончи, ташкилотимиз қоши-

нинг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилар. Жумладан, 1 миллион 114 минг сўмлик стол-стуллар, 150 минг сўмлик спорт кийимлари ва жиҳозлари совға қилинди. «Умрзоқ» фермер хўжалиги синф хоналарини таъмирлашга 1 мил-

лион сўм, «Озодбек» фермер хўжалиги мактаб марказий ўйингоҳи таъмири учун 300 минг сўм маблағ ажратди. Ўйингоҳ атрофига 1500 дона төрак кўчатлари ўтқазилди.

Ота-оналар ташаббуси ва маблағи



«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида Мирзачўл туманида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ногирон, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш, ўз даромадларининг бир қисmini қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг ҳолисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгида меҳр-муруват, саховат ва ҳиммат каби инсоний фазилатларни юксалтириш борасида ибратли ишлар қилинапти.

«Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидоги Мирзо Улугбек номли 9-умумий ўрта таълим мактабига худуддаги фермер хўжаликлари 2 миллион 992

ҲИММАТИ БАЛАНД САХОВАТПЕШАЛАР

лион сўм, «Озодбек» фермер хўжалиги мактаб марказий ўйингоҳи таъмири учун 300 минг сўм маблағ ажратди. Ўйингоҳ атрофига 1500 дона төрак кўчатлари ўтқазилди. Ота-оналар ташаббуси ва маблағи

ҳисобидан мактабнинг ҳар бир синфлари учун алоҳида кутубхоналар ташкил этилиб, 155 минг сўмлик 215 дона турли бадий адабиётлар сотиб олинди. Шунингдек, «Мардон», Баҳром Сафаров номли фермер хўжаликлари ҳам синф

хоналарини таъмирлаш ва жиҳозлашга ҳомийлик қилишди. Туманда дастур доирасида «Маҳаллакорхона» тамойили асосида аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ҳомийлик асосида ёрдам кўрсатишга йўналтирил-

ган доимий ўзаро ҳамкорлик механизмлари яратилган. Ҳар бир қишлоқ ва маҳалла жойларидаги кўп фарзандли ёрдамга муҳтож оилаларга биттадан қорамолни бепул бериш йўлга қўйилди. Туман бўйича 120 та оилага соғин сигир бериш мўлжалланапти. Айна Акимованинг 100 ёшлик юбилеи, Нуржигит Қодирбековнинг никоҳ тўйи, Йўлдошбек Шулиев ва Шаҳзод Ҳайитовларнинг хатна тўйлари ҳомийлар маблағи ҳисобидан ўтказиб берилди.

20 нафар уруш қатнашчилари, ногирон, кўзи ожизлар, байналмилалчи жангчилар ва муҳтож кекса пенсионерларга имтиёзли йўл чипталари тақдим этилди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

УСТАМА СТИПЕНДИЯ

талабаларга мадад бўлмоқда

Ҳомийлик инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ва унинг тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида тузилган ўз дастур тадбирларига кам таъминланган оилалар, уларнинг фарзандлари, ногирон болалар, талаба ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва уларни соғломлаштириш билан боғлиқ масалаларни киритдилар.

Барча таълим-тарбия ҳамда илмий муассасаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг оилавий шароитлари ўрганилиб, иқтисодий ҳимояга муҳтожлар аниқланди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва айна пайтда шу асосда фаолият олиб борилмоқда.

Хусусан Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Муқимий номли давлат мусиқали театрида «Аёл борки — олам мунаввар» деб номланган байрам тадбири ўтказилиб, халқ таълими тизимида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда меҳнат фахрийларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Мактаб ўқувчилари республика фан олимпиадаларининг 66 нафар ғолибларига ўқув қуроллари совға қилинди.

Наврўз кунлари Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги қўшимча таълим бериш мажмуаси ўқувчиларига компьютер, Наманган вилоятидаги болалар махсус мактаб-интернатларига, Қарши шаҳридаги 6-ўрта мактаб кутубхонасига бадий адабиётлар совға қилинди. Шунингдек, байрам муносабати билан Қарши шаҳридаги мактабларнинг 14 нафар кам таъминланган ўқувчилари республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида рағбатлантирилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 2005-2006 ўқув йилида республикамиз олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган иқтдорли, кам таъминланган, ногирон талабалардан 61 нафари Марказий кенгашнинг устама стипендиясини олишмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг кам таъминланган икки нафар талабаси Марказий кенгаш стипендиясига қўшимча тарзда тавсия этилди.

Куни кеча Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган Болалар ортопедияси республика марказида даволанаётган 150 нафар болалар кўнглини кўтариш мақсадида тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан маданий тадбир уюштирилди. Марказий Кенгаш раиси Н.Ақбаров ушбу даволаш масканига ҳомийлик ёрдами сифатида 5 миллион сўмлик телевизор ҳамда музлатгичларни топширди. Тадбирда иштирок этган таниқли хонанда Анвар Санаев ўзининг дилрабо кўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

Н.РАФИҚОВ

Инсоният учун табиатнинг ўзи бир мўъжиза. Одам Ато ва Момо Хаво яралгандан бери борлиқ хамиша сирли ва сеҳрли. Авлод-аждодларимиз учун оби-хаёт манбаи бўлган буюқ наҳр соҳилларидан ўзоқлашиб, жонли, жонсиз мавжудотни ташлаб кетмоқда. Орол дарди—олам дарди, Шу боис бу аср муаммосига айланди.

Бир вақт асов нор туядек жазавага тушиб, киргоқларидан тошиб тўлқинланган катта сувда минг хил балиқлар гўжгон урган, қамишзорларда дунёнинг турлитуман қушлари макон тутган, тўқайзорларида шер, арслон, айиқлар, ёввойи тўнғиз телбаланиб кезган улкан денгиз наҳот интихога юз тутган бўлса?! Ўзингга тасалли бериб Оролнинг қуриётганига ишонинг келмайди. БевоСИТА кўз ўнгингда унинг ўтмиши гавдаланади.

Орол денгизининг сув қоплаган худуди об-хаёт мўл замонларда 68 минг квадрат километр майдондан иборат эди. 1946 йили у минг километрга, 1978 йили 53 минг 800 квадрат километрга камайган. XIX асрнинг ўрталарида ҳавзада 500 дан ортиқ ажойиб оролчалар, кўллар, қўлтиқлар бўлиб, табиий жихатдан ажойиб кўринишга, балиқ, қуш ва ҳайвонларга бой эди. «Довудкўл», «Ялтирбош», «Судочье», «Мошонкўл» сингари кўллар чегарасидаги ўрмонларда 1960 йилгача йўлбарс, ўрмон архари, ёввойи мушуклар, тўнғизлар, қушларнинг юзга яқин тури, ҳар хил ўсимликлар бор эди. Қамишзорлардан қайиқ суза олмаган. Ёввойи ўсимликларнинг баландлиги кўлларда 67 метргача борарди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими олимларининг гувоҳлик беришларича, «Судочье» кўли Амударё дельтасидаги энг катта ҳавзалардан бири эди. Ўтган аср ўрталарида кўлнинг сув эгаллаган майдони 350 квадрат километргача этган. Суви тиниқ ва мазали, ўсимлик дунёси бой эди. Дастлаб 71 хилдаги ўсимликлар ўсган бўлса, ҳозирги пайтга келиб 30 тури сақланиб қолган.

1963 — 1965 йилларда Амударё ҳавзасида 220 минг гектар майдонни эгаллаган кўллар бўлиб, уларда йилига 225 минг тоннагача балиқ, 1 миллион 130 минг донагача ондатра териси етиштирилган. Теварак-атрофида 300 минг гектарлик қамишзор, 300 минг гектардан ортиқ ўрмонзорлар табиий гўзаллиги билан ажралиб турган.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларидан эътиборан Амударё ва Сирдарё сувларининг Оролга келиб қўйилиши кескин камайди. Уммонланиб, мавж уриб турган, балиқлари билан одамларга ризқ-рўз улашган, йирик транспорт йўли ҳисобланган денгиз соҳилидан 225 километргача ортга чекинди. Қисқа муддатда 3 миллион гектарлик улкан кумликлар юзага келди. Денгизнинг қуриб қолган қисмидан йилига 100 миллион тонналаб захарли чанг-тўзон атроф-муҳитга тарқала бошлади.

Сув сатҳининг йил сайин пасайиб бориши минтақада оғир экологик шароитни юзага келтирди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи генофондини сақлаб қолиш иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойилига айланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1994 йили 11 январда Нукус шаҳрида Орол ҳавзаси атрофидаги тангликка бағишланган конференциясида «Орол денгизи ҳавзасида экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ иш ҳаракатлари Дастури» қабул қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ минтақада ўзоқ муддатли стратегик вазифани амалга ошириш учун Марказий Осиё давлатларига техник, моддий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Ижроия кўмитаси Нукус филиалининг ташкил этилиши экологик вазиятни яхшилаш, демография шароитни мўътадиллаштириш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланишда катта аҳамият касб этади.

— Сув ва туз захираларини бошқариш, жамоатчилик фикри-

ни шакллантириш, тўғонлар хавфсизлигини таъминлаш, давлатлараро чегаралардаги сув захираларига мониторинг ўтказиш, кўлларни, кичик об-хаёт ҳавзаларини қайта тиклашга кўмаклашиш асосий вазифамиз ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Ижроия кўмитаси Нукус филиали директори Уббинийез Аширбеков. — Саъй-ҳаракатлар туфайли илгариги кўлларни, кичик сув омборларини ва кўлтиқларини қайта тиклаб, Оролбўйида экологик ҳолатни яхшилаш, биологик ва ботаник имкониятлар яратиш, шу билан бирга аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга киришилди. «Судочье» кўлини сув билан таъминлаш учун Бутунжаҳон Глобал экологик фонди 2,1 миллион, Голландия ҳукумати 1,6 миллион, Қорақалпоғистон Республи-

Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори юзага келган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган дадил қадам бўлди. Генофондни муҳофаза қилиш, аввало, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, денгиз суви камайиб кетганлиги боис юзага келган экологик шароит туфайли содир бўлаётган хасталикларнинг олдини олиш, соғлом авлодни шакллантириш демакдир. Шунинг билан бирга одамлар соғлигига бевоСИТА боғлиқ ҳайвонот ва наботот дунёсини муҳофаза қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Экологик вазият кескинлашиб, ҳайвонот ва ўсимлик оламига зиён ета бошлади. Илгари кўп учрайдиган Бухоро кийиги, жайрон, Устюрт кўйи, Туркман қулони, Турон йўлбарси сингари ҳайвонлар ноёб мавжудотга айланди. Ҳозирги кунда қушларнинг 18, балиқларнинг 5, сут эмизувчиларнинг 13 тури «Қизил китоб»га киритилган.

Оллоҳга минг шукрим, ўжар

кология гуруҳига киритилган. Нукус туманидаги «Буянтомир» очиқ акциядорлик жамиятида етиштирилаётган доривор гиёҳлар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинапти. Жилтирбас кўлининг шимолий тўғонида сув тўловчи ва чиқарувчи иншоот қурилишига 2003 йил октябр ойида киришилган эди. «Оролжойбар» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари секундига 30 кубметр сувни ўтказадиган улкан иншоотни қисқа муддатда қуриб битказдилар. Денгизга яқин жойлашган Мўйноқ азалдан балиқчилар шаҳри. Туманнинг қалби денгиздек уйғоқ одамлари табиат қийинчиликларига сабр-матонатлари, мустаҳкам иродаларини қарши қўйишган.

Пурлитов овулидаги Амударё ўзанида 1 миллиард 802 миллион сўм сарфланиб, қурилган сув ўтказувчи тўғон фойдаланишга топширилди. Бу иншоот Тахиятош гидроузелидан кейинги энг йирик, секундига 360 кубометр сув ўтказиш қувватига эга махсус қурилма ҳисобланади. Янги иншоот ёрдамида Дарёоралиқ,

ҳолат ҳисобга олиниб, фуқароларнинг соғлом ва муносиб турмуш тарзини таъминлаш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилапти. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги М. Турумбетованинг таъкидлашича, ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, камқонлик, йод ва темир моддаси етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида даволаш-профилактика тадбирлари қучайтирилапти.

Республика кардиология диспансери қошида фаолият кўрсатётган Геронтология ва реабилитация бўлими учун янги «Холстер» типидидаги, «Эхокардскоп» аппаратлари, қаттиқ жиҳозлар олиб келинди. 1500 нафардан ортиқ пенсионер ва ногиронларга ўз соғлигини тиклаш учун йўлланмалар ажратилди. Жаҳон тиббиётининг ДОТС дастури асосида силга қарши даволаш учун «Чегарасиз шифокорлар» халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги ижобий самара бераяпти.

— Зурриёд ёшидаги аёллар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиб, касал деб топилганлари тиббий даволанишга жалб этилди, — дейди биз билан суҳбатда Республика Ақшерилик гинекология институти Нукус филиалининг тажрибали врачлари, Ўзбекистон Қаҳрамони Онисия Саидова. — Олис туманлар ва овулларга шифокорлар гуруҳи юборилиб, туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар, болалар шифокорлар назоратидан ўтказилди, даволаш муолажалари олиб берилди.

Шифобахш кўллари билан кўплаб оналарни дарддан фориқ этган, минглаб гўдакларнинг сеvimли бувисига айланиб қолган Онисия опа Оролбўйи оналар ва болалари тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликдан бениҳоя мамнун. Тиббиётнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш учун йил давомида 923 миллион сўм бюджет, 23,5 миллион сўм ҳомийлар, 16,3 миллион сўм кредит маблағлари, инсонларварлик ёрдами ҳисобидан 97,2 минг АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари сарфланди.

Табиати анча мураккаб Мўйноқ тумани касалхонаси ҳомийлар кўмагида таъмирдан чиқарилди. Беруний пахта тозалаш заводи очиқ ҳиссадорлик жамияти туғруқ мажмуасига 20 миллион, ёғ-мой комбинати Хўжайли туғруқхонаси қурилишига 80 миллион, Чимбой туғруқ мажмуасига 25 миллион маблағ ажратди. Бу йил овуллардаги 24 та қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланди.

Ўзга элнинг боғи билан боғчасидан киндик қонинг томган юртнинг янтоғзори ҳам афзал, деб бежиз айтилмаган. Юртбошимиз қорақалпоқ халқи билан учрашувларда кўп бор таъкидланганларидек, барчамиз яхши тушунамизки, туғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғунини фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига синдириш, ўз Она қалби билан гурурланиш ва бошини баланд тутиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган қадрият билан мана шундай оғир бир шароитда кун кечириш, яшаш, ҳақиқатан шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан катта чидам, мардлик ва матонат талаб қилади.

Вертолётда Орол устидан учиб ўтаётган. Глобал экологик жамғарма агентлиги раҳбари Р.Гиниятуллин улкан кум денгизига тикилиб, оғир тин олади ва қатъият билан сўзлайди.

— Оролни асраган оламни асрайди. Аждодларимиздан қолган бойликларни, улкан наҳрни келажак наслларга мерос қодирлиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ОРОЛНИ АСРАГАН ОЛАМНИ АСРАЙДИ



каси 137,5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг 1997 йил 17 ноябрдаги «Судочье» кўлини қайта тиклаш тўғрисида»ги қарорида сув қоплаган майдонларни 52 минг гектарга етказиш назарда тутилган. Бунинг учун 860 миллион кубометр об-хаёт керак бўлади. Шунинг 200 миллион кубометри дарёдан, 660 миллион кубометри коллектор-дренажлардан олинади.

Ўтказилган халқаро тендер танловида Хитой Халқ Республикасининг 3-Миллий сув захиралари ва гидроэнергетик муҳандислик корпорацияси голиб чиқди. 2001 йил май ойидан бошлаб кўлни тиклаш ишлари олиб борилапти. Бундан асосий мақсад экологик вазият ва атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, учиб келиб, учиб кетувчи қушларга шароит яратиш, балиқчиликни йўлга қўйиб, йилига камида 5 минг центнер балиқ овлаш, 40 минг дона ондатра терисини тайёрлаш, ўрмонзорларни кенгайтиришдан иборат.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгазининг навбатдан ташқари сессиясида ва Нукус шаҳрининг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда алоҳида таъкидланганларидек, кўпчилик қатори қорақалпоқ халқи Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик офат туфайли вужудга келган оғир ҳамда мураккаб бир шароитда эртанги кунга ишонч ва умидлар билан ҳаёт кечирмоқда.

Бутун жаҳон ҳамжамияти биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, экология масалалари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар ушбу муаммонинг ечимини топиш тўғрисида бош қотираётгани ҳам маълум даражада бизнинг ютуғимиздир.

Жайхун яна тўлиб оқа бошлади. Юз минг гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Жанубий Оролбўйидаги кўллар, ички ирригация тармоқлари сувга тўлди. Денгизга об-хаёт қўйилга бошлади.

3 миллион гектарни эгаллаган Оролқумнинг 2 миллион гектари мамлакатимизда жойлашган. Улкан майдондаги кум барханлари кўчирчи, чанг-тўзонларнинг ҳавога кўтарилишининг олдини олиш мақсадида бир неча ўн минг гектар ўрмонзор барпо этилди. Қандим, черкез ва саксовулзорлар юзага келди. Кумликларга саксовул кўчати экилганлиги туфайли «Қазоқдарё» тўқай хўжалиги худудида денгиз сатҳидан кўтарилаётган чанг-тўзонлар кескин камайди. Яшил бойлик кўпайтирилиб, иқлимбоп дарахт ва ўсимликлар экиляпти. Республика ўрмончилари 814 минг 288 гектардаги тўқайзорларни асраш, кўпайтириш ниятида тинимсиз меҳнат қилишапти. Кейинги уч йилда 20 минг гектар ер ўрмон билан қопланди. 6400 гектарлик майдонни эгаллаган «Бадайтўқай» қўриқхонаси турли хил қушлар ва ҳайвонларга макон, нодир ўсимликларнинг кўпайиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилапти. Бундан ўн икки йил муқаддам «Судочье» кўлида 50 минг гектарлик махсус ҳудуд ажратилиб, фасл алмашиш чоғида қушларнинг кўниб, дам олиб ўтиши учун шароит яратилган эди. Устюрт кенгликларидан 1 миллион гектар жойда сайғоқларнинг эрта баҳорда болалаши учун қулай жойлар ташкил этилиб, овчилик қилиш қатъиян тақиқланди.

Қорақалпоғистонда 950 дан ортиқ ўсимликлар мавжуд. Шундан 360 таси доривор гиёҳлар саналади. Исирик, отқулоқ, оқ явшон, чўл ялпизи, саримсоқ, буян (қизилмия) томири, янтоқ каби 30 хил гиёҳ махсус фармо-

Жилтирбас, Думалоқ кўлларида об-хаёт захиралари кўпайди. Бу Оролбўйидаги ҳайвонот ва ўсимликлар экологик тизими қайта тикланиши учун шароит яратади. Айни пайтда тўғоннинг иккинчи навбати бунёд этиляпти. Сигими 450 миллион куб метрлик сахни 40 километрлик Думалоқ кўлига сув ўтадиган 600 метрлик монолит бетондан иборат қурилма мустақиллик байрамнинг 15 йиллиги кунларига қадар фойдаланишга топширилади.

Жаҳон банки, Кувайт фонди ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ҳаётга тадбиқ этилган «Тоза сув, санитария ва саломатлик» лойиҳасида белги-ланган вазифаларни бажариш учун Халқаро молия муассасалари томонидан қарийб 95 миллион АҚШ доллари миқдорида йигирма йил муддатга имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг 1 миллион 163 минг нафар аҳолисининг об-хаётга бўлган эҳтиёжини қондириш, етарли санитария-гигиена шароитлари яратиш мўлжалланган. Туямўйин-Нукус магистрал иншоотидан Қизкетан шаҳарчасига қувур тортилди. Қўрғонда 3 минг куб метрлик ҳавза қурилиб, хонадонларга сифатли ичимлик суви келтирилди. Беруний, Тўрткўл, Нукус, Чимбой, Кегейли туманлари, Нукус шаҳрида ер ости сув қувурлари тартибда келтирилиб, янги қурилмалар ўрнатиляпти.

Тахтакўпир туманидаги «Тумаристов», Элликальа туманидаги «Буханмерей» хўжалигининг Чуқурқоқ яйловларида артезиан сувларидан фойдаланиб, чорва озуқасини кўпайтириш, кўлларда балиқ, гоз ва ўрдак боқиш, шу билан бирга жаҳон бозоридан харидоргир ондатра, нутрия каби ноёб мўйна етиштириш йўлга қўйилди. Мавжуд экологик

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИДА ЕТТИ КУН



ДУШАНБА, 24

О'ЗBEKISTON

15.00 «Тохлинома».
 15.45 «Сизнинг адвокатингиз».
 15.50 «Олам ва одам» дастури: «Шамборд калъаси сир».
 «Болалар сайраси»:
 16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
 17.00 «Ахборот».
 17.15 Олтин мерос.
 17.20 «Равнак» студияси намойиш этади.
 17.35 «Минг бир маслаҳат».
 17.55 «Умр дафтари». Б. Зокиров. 1-қисм.
 18.20 Оқшом навалари.
 18.30 «Пойдевор». Видеофильм. 5-қисм.
 19.00 «Алло ўйинчи». Телелотеря.
 19.20 Биржа ва банк хабарлари.
 19.30 «Ахборот».
 20.05 «Омон бўлинг!»
 20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
 21.00 «Ахборот».
 21.40 Эркин мавзу.
 22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал премьераси.
 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашуга уч дақиқа қолганда».

YOSHLAR

16.00 Давр.
 16.15 Шум болалар.
 16.25 Ёшлар овози.
 16.40 Чемпион сирлари.
 17.00 «Орзулар бекати». Jakhongir. Uz.
 17.10 «Бошпана излаб». Бадий фильм.
 18.35 Баҳор навалари.
 18.55 Иқлим.
 19.00 Давр.
 19.40 Қизил худуд.
 19.55 Ракурс.
 20.15 Салоҳиддин Азизов куйлайди.
 20.35 Олий лига кундалиги.
 20.55 «Оила тилсим» Ботир Зокиров 1-қисм.
 21.20 Uz EX хабарлари.
 21.30 Мусиқий лаҳзалар.
 21.55 Иқлим.
 22.00 Давр.
 22.35 Мусиқий лаҳза.
 22.40 Uz EX хабарлари (рус тилида)
 22.35 «YOSHLAR»да спорт дастури: Интерфутбол.

TOSHKENT

18.15 «Экран детям».
 18.30 «Пойтахт»
 18.55 «Зийнат».
 19.15 «Табриклаймиз - кутлаймиз».
 19.45 «Бир жуфт аския».
 19.50, 21.15 «Телекурёр маркет».
 20.00 «Пойтахт».
 20.25 «Камила». Телесериал.
 20.45, 21.50 «Экспресс».
 20.55 «ТВ юрист».
 21.00 «Оқшом навалари».
 21.25 «Журналист тахлими».
 22.00 «Тоглик қув» Бадий фильм. 1-қисм.
 22.45-22.50 «Спокойной ночи, мой город!»

SPORT-TV

18.00 «Детский спорт».
 18.15 Мини футбол.
 18.30 «Хабарлар»
 18.50 «Жди меня».
 20.00 «Вести».
 20.30 «Королевы спорта».
 20.50 «Футбольное обозрение».
 21.15 «Тет-а-тет».
 21.30 «Хабарлар».
 21.50 «Две судьбы».
 22.40 «Проф-РИНГ».
 23.30 «Еврофутбол»
 1.00 «Спокойной ночи!»

30-И КАНАЛ

17.00 «Болалар соати»
 17.40 «Мусиқий лаҳзалар»
 18.00 «Кассандра», сериал
 18.45 «Ишонч» ТВ тақдим этади «Илдишлар ва янроклар» каштачилик
 19.00 «Ошикона», мусиқий дастури
 19.45 «Телехамкор» - фойдали газета
 20.00 «Мусиқий табассум» музыкальная передача
 21.00 «София, менга имком бер», сериал
 21.40 «Телехамкор»
 21.50 «Мусиқий табассум» музыкальная передача
 22.25 «Тараққийот ТВ» тақдим этади «Газалхон шоир Восит Сиддулла»
 22.40 «Кашкирлар макони», сериал
 23.10 «Эстрада оханлари»

ПЕРВЫЙ

5.00 «Доброе утро»
 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 02.00, 04.00 Новости
 8.05 «Убойная сила». Сериал
 9.20 «Детективы»
 9.50 «Малахов + Малахов»
 11.20 «Жизнь в три оборота». Док. фильм
 12.00 Комедия «Желтый карлик»

НТВ

5.00 «Сегодня утром»
 8.05 «Кулинарный поединок»
 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
 9.20 «Чистосердечное признание».
 9.55 «Квартирный вопрос»
 10.55 «Следствие вели...»
 12.35 Сериал «Бандитский Петербург-7»
 14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие»

15.30 Сериал «Марш Турецкого»
 18.40 Сериал «Псевдоним «Албанец»
 19.45 Сериал «Палач»
 21.40 «Атомные люди»
 23.15 «Школа Злословия».
 00.15 «Все сразу!»
 00.40 Лаура Антонелли в фильме «Прекрасная нимфа»
 02.40 «Анатомия преступления»
 03.30 Сериал «Медицинское расследование»

REN-TV

7.30 «Детеныши джунглей». Мультипликационный сериал (США).
 7.55 «Jetix» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ. ДИКИЙ МИР». Телесериал (США).
 8.40 «МЭШ». Комедийный сериал (США).
 9.35 «Очевидец» с Сергеем Ростом.
 10.30 «24». Информационная программа.
 10.50 Час суда. Дела семейные.
 11.50 «Час суда» с Павлом Астаховым.
 12.55 «Жить вкусно с Джейми Оливером» (Англия).
 13.30 «24». Информационная программа.
 14.00 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.
 15.00 Камера кафе.
 15.15 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесериал (США).
 16.15 Мозголомы: насилие над наукой.
 17.30 «ВОВОЧКА». Комедийный сериал.
 18.45 «Очевидец» с Сергеем Ростом.
 19.45 Камера кафе.
 21.00 «Сделка?» Гейм-шоу.
 22.10 «СОЛДАТЫ-7». Телесериал.
 23.20 «СТУДЕНТЫ-2». Телесериал.
 0.30 «24». Информационно-аналитический журнал с Михаилом Куренным.
 1.20 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.
 2.10 Лучшие клипы мира.

КУЛЬТУРА

4:00 ПРОГРАММА МЕЖДУНАРОДНОГО ИНФОРМАЦИОННОГО КАНАЛА «ЕВРОНЬЮС» НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ
 7:00 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
 7:20 Программа передач
 7:30 ИНТЕР@КТИВ.
 8:00 ШЕДЕВРЫ СТАРОГО КИНО. «Как вам это понравится». Художественный фильм (США, 1936). Режиссер П.Циннер.
 9:45 ЛИНИЯ ЖИЗНИ. Маргарита Терехова.
 10:40 «Россия молодая». Телесериал (к/ст.им.М.-Горького,1981). Режиссер И.Гурин. 6-я серия. «Здравствуй, кормищи!»
 11:50 «Шекспир и не снилось...» Документальный сериал. Фильм 9-й. «Госпожа пенициллин».
 12:20 «Век Русского музея». Авторская программа В.Гусева.
 12:45 «Картофельны и драконы». Мультсериал (Франция-Канада,2003).
 13:10 ЗА СЕМЬЮ ПЕЧАТЯМИ. Телевикторина для старшеклассников.
 13:40 ПЛОДЫ ПРОСВЕЩЕНИЯ. «Голая наука». Документальный сериал (Великобритания). 1-я серия. «Астероид-убийца».
 14:35 «Порядок слов». Книжные новости.
 14:40 К 120-ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ ГАБДУЛ-ЛЫ ТУКАЯ. «Полет с осенними ветрами». Документальный фильм (Россия,2006). Режиссер А.Фетисов.
 15:30 «БлокНот». Музыкальный еженедельник.
 16:00 «Времена и войны». Документальный сериал (США). 13-я серия. «Самураи».
 16:30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
 16:50 НОЧНОЙ ПОЛЕТ. Ведущий Андрей Максимов
 17:20 «Россия молодая». Телесериал (к/ст.им.М.-Горького,1981). Режиссер И.Гурин. 6-я серия. «Здравствуй, кормищи!»
 18:30 МИРОВЫЕ СОКРОВИЩА КУЛЬТУРЫ. «Чески Крумлов. Жемчужина Богемии». Документальный фильм (Германия).
 18:50 ОСТРОВА. Шавкат.
 19:35 «Тем временем» с Александром Архангельским. Информационно-аналитическая программа.
 20:30 КТО МЫ? «Спор на западном рубеже». Передача 3-я.
 21:00 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ с Владиславом Флярковским
 21:25 ПРО АРТ.
 21:55 ДОКУМЕНТАЛЬНАЯ КАМЕРА. «Йорис Ивенс. «Летучий голландец».
 22:35 Программа передач
 22:40 «Голая наука». Документальный сериал (Великобритания). 1-я серия. «Астероид-убийца».
 23:30 «Самые громкие преступления и процессы XX века». Документальный сериал (Великобритания).

СЕШАНБА, 25

О'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
 8.00 «Ахборот».
 8.40 Олтин мерос.
 8.50 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашуга уч дақиқа қолганда». 1-қисм.
 «Болалар сайраси»:
 9.15 1. «Уяла, Изла, Топ!» Телемусобада.
 2. «Тоглик». Мультсериал.
 10.35 «Остонаси тиллодан».
 10.55 Биржа ва банк хабарлари.
 11.00 «Ахборот».
 11.15 «Омон бўлинг!»
 11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
 12.00 «Одам эрсанг».

12.20 «Бир жиноят изидан».
 12.45 «Тақдир ўйини». Телесериал.
 14.00 «Ахборот».
 14.20 Олтин мерос.
 14.25 «Шахсий фикр».
 15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
 15.15 «Онтарно соҳилдаги воқеа». Бадий фильм.
 16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
 17.00 «Ахборот».
 17.15 Эски альбом.
 17.20 «Ҳайт ва қону».
 17.40 «Дил таронаси».
 17.45 «Агар Сиз».
 18.05 Оқшом навалари.
 18.15 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 2-қисм.
 18.40 «Пойдевор». Видеофильм. 6-қисм.
 19.10 «Банк ва миқоз».
 19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
 19.30 «Ахборот» (рус тилида)
 20.05 «Омон бўлинг!»
 20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
 21.00 «Ахборот».
 21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».
 22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал.
 23.10 «Ўшгимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Тўқнашуга уч дақиқа қолганда». 2-қисм.

YOSHLAR

16.00 Давр.
 16.15 Болалар шеърляти.
 16.25 Эврика.
 16.35 Болалар табассуми.
 16.45 Ёшлар овози.
 17.00 ТВ-дорихона.
 17.10 2006-Хомийлар ва шифокорлар йили. Саҳоват.
 17.55 Cinema Bollivud.
 18.10 Орзулар бекати.
 18.20 Юртим хазинаси.
 18.35 Баҳор таронаси.
 18.55 Иқлим.
 19.00 Давр.
 19.40 Ёшлик навалари.
 20.00 «JOKER» телелотеряси.
 20.10 Автопатруль.
 20.30 «Оила тилсим» Ботир Зокиров 2-қисм.
 21.05 «Ҳақиқат». Телесериал.
 21.55 Иқлим.
 22.00 Давр.
 22.45 Мусиқий лаҳза.
 22.50 «Ҳаётда ҳамма нарсга бўлади!» Бадий фильм 1-қисм.

TOSHKENT

18.10 «Экран детям».
 18.30 «Пойтахт»
 18.50, 20.20 «ТВ анонс».
 18.55 «Будьте здоровы».
 19.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
 19.45 «ТВ юрист».
 19.50, 21.15 «Телекурёр маркет».
 20.00 «Пойтахт».
 20.25 «Камила».
 20.45, 21.55 «Экспресс».
 20.55 «ТВ юрист».
 21.00 «Оқшом навалари».
 21.25 «Фукарлик жамияти сари».
 22.05 «Тоглик қув». Бадий фильм.
 22.50-22.55 «Спокойной ночи, мой город!»

SPORT-TV

7.00 «Бодрое утро».
 8.00 «Хабарлар»
 8.20 «Шовозлар»
 8.45 «Спорт-клуб»
 9.00 «Хабарлар»
 9.20 «Талисман».
 10.00 Чемпионат Узбекистана: Волейбол. Мини футбол.
 18.00 «Детский спорт».
 18.15 Мультфильм.
 18.30 «Хабарлар»
 18.50 «Кто на что горазд?»
 19.15 «В поисках приключений».
 20.00 «Вести».
 20.30 «Футбол плюс».
 21.05 «Спорт - моя жизнь».
 21.30 «Хабарлар»
 21.50 «Две судьбы».
 22.40 «Теннис».
 23.40 Футбол. Лига чемпионов Европы. «Вильярреал» - «Арсенал». Прямая трансляция.

30-И КАНАЛ

12.05 «Телехамкор»
 12.25 «Детский час»
 12.50 «Солдаты», сериал
 14.00 Художественный фильм - «Земля до начала времён», мультфильм
 15.30 «Ошикона», мусиқий дастури
 16.15 «Аёллар орузи» повтор передачи
 16.45 «Телехамкор»
 17.00 «Болалар соати»
 17.40 «Мусиқий лаҳзалар»
 18.00 «Кассандра», сериал
 18.40 «Истиклол - ТВ», тақдим этади «Уйғок кунгиллар»
 19.00 «Ошикона» мусиқий дастури
 19.45 «Теле-хамкор», фойдали газета
 20.00 «Мусиқий табассум»
 21.00 «София, менга имком бер», сериал
 21.40 «Мусиқий табассум», музыкальная передача
 22.15 «Мулюкот ТВ» тақдим этади «Мозийдан садо»
 22.15 «Кашкирлар макони», сериал
 22.35 «Мусиқий лаҳзалар»
 23.25 «Биз билган ва билмаган дунё»

ПЕРВЫЙ

5.00 «Доброе утро»
 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 02.00, 04.00 Новости
 8.05 «Убойная сила». Сериал
 9.20 «Детективы»
 9.50 «Малахов + Малахов»
 11.20 «Черный ворон». Сериал
 12.30 Дисней-клуб: «По следам Микки Мауса»

12.50 «Девять месяцев». Сериал
 14.10 «Лолита. Без комплексов»
 15.00 Сериал «Талисман»
 16.00 «Федеральный судья»
 17.20 «Большие девочки»
 17.50 «Любовь как любовь». Сериал
 19.00 «Пусть говорят»
 20.00 Время
 20.30 «Девять месяцев». Сериал
 21.30 «Безумие большого города»
 23.00 «За секунды до катастрофы. Чернобыль»
 24.00 Николас Кейдж в фильме «Охранник Тесс»
 01.40, 02.05 Гонконгский боевик «Полиция будущего»
 03.50, 04.05 Спецрасследование. «Школа: бои без правил».

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!».
 7.45 Сериал «Тайны следствия-5».
 8.45 «Роковой круиз. Тайна катастрофы на Волге».
 9.45, 12.50, 15.25, 23.15, 03.45 Вести. Дежурная часть.
 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
 10.30, 13.20, 15.40, 19.30 Местное время. Вести-Москва.
 10.50, 20.55 Сериал «Мужчины не плачут-2».
 11.50 «Частная жизнь».
 13.40 Сериал «Любовь моя».
22:20 Программа передач
22:25 «Вокруг света с Дэном Кришэнком в поисках 80 сокровищ». Документальный сериал (Великобритания). 3-я серия. «От Австралии до Камбоджи».
23:25 «Путешествия натуралиста». Ведущий Павел Любимцев.
23:50 Программа передач

ЯКШАНБА, 30

О'ЗBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экраны.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Ватанпарвар».
11.05 «Уч бадалок». Бадийий фильм.
12.30 «Гайратли йигитлар». Хажвий курсатув.
13.00 «Заковат».
14.05 «Лужин химояси». Бадийий фильм премьерасы.
15.50 «Оддий хайратлар». Ток-шоу.
16.40 1. «Олтин тож».
2. «Заргалдоқ». Мультифильм.
17.35 «Дил таронаси».
17.40 «Қаллоқ». Хажвий курсатув.
18.15 «Оқуш». Видеофильм.
19.10 Оқшом навалари.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «50х50». Ток-шоу.
21.00 «Тахлилнома».
21.45 Олтин мерос.
21.50 «Оталар сўзи - ақлинг кўзи».
22.50 «КиноТеатр».
23.20 «Хоним ва қароқчи». Бадийий фильм.

YOSHLAR

6.30 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Мехмонхона.
8.25 Аския сеҳри.
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30 «Кули кирк ёриб».
10.30 Яқшанба нонушаси.
11.00 Айланай.
11.35 Охдирабо.
12.20 «Оқ йўл». Бадийий фильм.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.05 Азизим.
15.30 Давр спорти.
15.45 Ринг кироллари.
16.35 Чемпион сирлари.
16.55 «Journal» (инглиз тилида)
17.20 Полапан.
17.40 «Умр дафтари». Шукур Бурхонов.
18.50 Мусийий лаҳза.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» Хафта ичйда.
19.40 Ёшлар куйлаганда.
20.05 «Кайнона». Кинокомедия.
21.20 Қўшиқинг тугилиши. Манзура Йулдошева.
21.55 «Ёшлар» да премьерасы: «Сарвиноз», Бадийий фильм.

TOSHKENT

8.00 «Музыкально-информационно развлекательная программа».
18.15 «Экран детям».
18.30 «Олюш».
19.00 «В мире кино».
19.15 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.45, 21.15 «Телекуръер маркет».
19.55 «Та юрист».
20.00 «Журналист тахлили».
20.20, 21.30 «Экспресс».
20.30 «Всё о туризме».
21.00 «Окшом навалари».
21.40 «Фидо». Художественный фильм-преьера. / Индия / 2-серия.

22.30-22.35 «Спокойной ночи, мой город!»

SPORT-TV

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар».
9.10 «Смак».
9.30 «Непугуевые заметки».
10.20 Воскресный «Ералаш».
11.00 «Веселые старты».
11.40 «Ваш соперник гроссмейстер».
12.00 «Движение - жизнь».
12.15 «Аптека слушает».
13.00 «Проф-РИНГ».
18.00 «Детский спорт».
18.20 Мультифильм.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Ровесник».
20.40 «Мастера единоборств».
21.10 «Спорт - моя жизнь».
21.30 «Талисман».
22.00 «Троя». Худ. фильм. 2 часть.
23.20 «Кикбоксинг». Чемпионат мира.
24.00 «Еврофутбол».

30-Й КАНАЛ

9.05 «Телехамкор», фойдали газета
9.20 «Детский час», мультисериал
9.50 «Мультифильмы»
11.00 «Телехамкор», фойдали газета
11.15 Художественный фильм - «Гостя из будущего», 4 серия
13.00 «Теле-экспромт» - передача о кино
13.20 «Хит-парад - плюс» повтор передачи
14.20 «Шоу-бизнес янгиликлари», информацион дастур
14.50 «Болалар соати»
15.30 «Аёллар орузи», познавательная передача
16.00 «До-Ми-Соль шоу», детский музыкальный конкурс
16.45 «Телехамкор», фойдали газета
17.00 Художественный фильм, «Гордость Симбы»
18.25 «Мусийий лаҳзалар»
18.40 «Сугдийна», мунис аёллар курсатуви
19.00 «Теле-хамкор», фойдали газета
19.15 «Ошикона», мусийий дастури
20.00 «30 кадр» - развлекательная передача
20.30 «Мусийий табассум»
21.00 «Яқшанба оқшомида» мусийий дам олиш дастури
21.40 «Мусийий табассум»

ПЕРВЫЙ

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой».
5.40 фильме «34-й скорый»
7.10 Армейский магазин
7.40 Дисней-клуб: «Дональд Даг представляет»
8.10 Умницы и умники
9.10 «Непугуевые заметки»
9.30 Пока все дома
10.20 Воскресный «Ералаш»
11.10 Здоровье
12.00 «За секунды до катастрофы. Адский тоннель»
13.00 «Спекулянты эпохи социализма». Док. фильм
14.00 «Империя»
15.00 Футбол. Чемпионат России. VII тур. «Зенит» - «Спартак».
17.10 «Кто хочет стать миллионером?»
18.10, 20.20 Юбилей Ефима Шифрина
20.00 Время
21.40 Вупи Голдберг в комедии «Крысиные бега»
23.50 Лейтенант Коломбо в детективе «Секс и женатый детектив»
01.30 Комедия «И забудьте нас от Евы»
03.30 Сериал «Битва за галактику»
04.10 «Храм Святого семейства»

РОССИЯ

4.30 Комедия «Друг».
6.10 «Здоровье».
6.20 «Сельский час».
6.45 «Бинго миллион».
7.00, 10.00, 13.00 Вести.
7.10, 10.30, 16.20 Местное время. Вести-Москва.
7.20 «Русское лото».
7.30 Фильм «Весна на Заречной улице».
9.30 «Утренняя почта».
10.20 «Городок».
10.55 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.20 «Фитиль №84».
14.10 «Великолепная восьмерка».
14.55 «В Городке».
15.05 Комедия «Ландыш серебристый».
17.00 Юбилейный вечер Людмилы Гурченко в ГЦКЗ «Россия».
19.00 «Вести недели с Сергеем Бриловым».
20.00 Юбилейный вечер Евгения Петросяна. «60 лет в обед».
23.25 Джулия Робертс в комедии «Сбежавшая невеста»
01.45 Комедия «Злая шутка»
03.30 «Прочная сеть-2»
04.10 Канал «Евроноос»

ТВ-3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 М/ф
8.30 М/ф «Котенок с улицы Лизюкова».
8.45 М/ф «Котенок по имени Гав»
9.30 М/ф «Бобик в гостях у Барбоса».
9.45 М/ф «Жил-был пес».
10.00 Х/ф «Чарли - одинокий Кугуар».
12.00 Х/ф «Алиса в стране Чудес».
14.30 Курьер.
15.00 Х/ф «Каникулы Санта-Клауса».
17.00 Х/ф «Путь дракона».
19.00, 19.30 «Осторожно, модерни!»
20.00 Х/ф «Клеопатра».
23.00 Х/ф «Красное солнце».
01.30 Х/ф «Эд Вуд».
04.00 Сериал «Мутанты икс».

СТС

7.00 «ДЕТИ ДЮНЫ». Художественный фильм. Части 3-я и 4-я.
8.35 «Наш друг Пишечитай». Мультипликационный фильм (выпуск 2).
8.50 «Биби Блоксберг». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультипликационный фильм.
10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
10.30 «Гаджет и гаджетини». Многосерийный мультипликационный фильм.
11.00 «Аладдин». Многосерийный мультипликационный фильм. 4 серии.
13.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Швыдкой.
15.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа с элементами реалисти-шоу.
16.00 Фильмы производства ВВС. «Нацисты. Предостережение истории», «Дорога в Трелинку».
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
17.30 «НЕ РОДИТЬСЯ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм (повтор серий от 24-28 апреля).
22.00 Кино на СТС. «ДЮПЛЕКС».
23.55 «6 кадров». Юмористическое скетч-шоу.
0.25 Кино на СТС. «КТО ПОДСТАВИЛ КРОЛИКА РОДЖЕРА?»
2.40 Кино на СТС. «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ». Части 1-я и 2-я.
5.30 Кино на СТС. «ПУТЕШЕСТВИЕ ВО ВРЕМЕНИ».
6.20 Музыка на СТС.

НТВ

4.20 Фильм «Минин и Пожарский»
6.30 «Сказки Баженова»
7.00, 9.00, 12.00, 15.00 «Сегодня»
7.20 Сериал «Джоуи»
7.45 «Их нравы»
8.25 «Едим Дома!»
9.20, 19.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
9.50 «Тор Gear».
10.30 «Цена удачи»
11.20 «Растительная жизнь».
12.20 «Стигия».
13.00 Фильм «Разные судьбы»
15.20 «Один день. Новая версия».
15.55 «Своя игра»
16.55 Сериал «Марш Турецкого»
18.00 «Сегодня. Итоговая программа»
18.55 «Чистосердечное признание».
19.55 Сериал «Сыщики - 5»
21.00 «Воскресный вечер с Владимиром Соловьевым»
22.30 Сериал «Зона»
00.25 «Журнал Лиги Чемпионов»
01.00 «World Music Awards - 2005»
03.10 Джон Траволта в детективе «Проклол»

ПЕН-ТВ

7.00 Музыкальный канал.
8.00 «Дикая планета»: «Аллея вулканов». Документальный фильм (Англия).
9.00 «Дуг». Мультипликационный сериал (США).
9.25 «Jetix» на REN TV: «Близняшки-пятирешки». Мультипликационный сериал (США).
9.50 «Геркулес». Мультипликационный сериал (США).
10.15 «Симпсоны». Мультипликационная серия (США).
11.50 Без тормозов.
12.25 «Неделя» с Марианной Максимовской.
13.45 Военная тайна.
14.30 «24». Информационная программа.
14.50 «Супергерои» с Туттой Ларсен.
16.00 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.
17.00 «Кино»: Алек Болдуин в фантастическом боевике «ТЕНЬ» (США).
19.30 «24». Информационная программа.
20.00 Проверено на себе.
21.10 «После нас хоть потоп». Концерт М. Задорнова.
0.00 «Неизвестные архивы». «Экстрасенсы». Документальный фильм (США).
1.05 «Кино»: Дон «Дракон» Уилсон в боевике «ЧЕРНЫЙ ПОЯС» (США).
2.50 «Кино»: Саския Гулд, Конрад Уитэйкер в фильме ужасов «ПАЗАРИТ» (Англия).
4.30 Ночной музыкальный канал.
5.10 «Дикая планета»: «Аллея вулканов». Документальный фильм (Англия).

КУЛЬТУРА

4:00 ПРОГРАММА МЕЖДУНАРОДНОГО ИНФОРМАЦИОННОГО КАНАЛА «ЕВРОНООС» НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ
7:00 Программа передач
7:10 «Кто в доме хозяин»
7:40 «Печники». Художественный фильм (Экран,1982). Режиссер В. Храмов.
9:00 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО КИНО. Гленн Миллер.
9:30 «Музыкальный киоск».
9:50 ДЕТСКИЙ СЕАНС. «Приключения волшебного глобуса, или Прделки ведьмы». Мультифильм.
10:55 «Летучая мышь невероятных способностей». Документальный фильм (Франция-Великобритания).
11:45 «Цирк Хунан-2003».
12:50 «Невероятное пари, или Истинное происшествие, благополучно завершившееся 100 лет назад». Художественный фильм (Экран, 1984). Режиссер В.Мотыль.
14:10 К 70-ЛЕТИЮ ЗВЕБИНА МЕТЬ. «Мир полон музыки». Документальный фильм.
15:10 ВОКРУГ СМЕХА. Нон-стоп. Ведущий А.Арханов.
15:50 70 ЛЕТ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ АКТРИСЫ. «Антонина Шуранова. В живых сердцах оставить свет...»
16:30 «Клуб женщин». Художественный фильм (к/ст.им.М.Горького,1987). Режиссер В.Фокин.
19:00 «Широким форматом» с Ириной Лесовой.
19:25 «Наполеон». Художественный фильм (Франция-Германия-Италия, 2002). Режиссер И.Симоню.1-я и 2-я серии.
22:25 «Летучая мышь невероятных способностей». Документальный фильм (Франция-Великобритания).
23:15 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО КИНО. Гленн Миллер.
23:45 «Праздник». Мультипликационный фильм для взрослых

Эсимда, бу дарахтнинг мевалари олтиндай сап-сарик бўлиб пишарди. Шамолда шохидан тўкилса-да, ҳеч заҳа эмас, гўёки «мени ол, ариқдаги сувда чайиб тўйгунингча егин» дегандек юмшоқ тупроқ ўзра сочилиб ётарди. Биз болалар дўппиларимизни мевага тўлдирардик. Кечга довр бу мевалар бизга эрмак эди. Пода қайтар маҳалида оналаримиз «Нега тўшликка келмадинг?» дея бизни қойишарди. «Олмуруд териб едик» деганимиздан сўнггина уларнинг кўнгиллари хотиржам бўларди. Худдики, ўша олмуруд дарахти фақат бизники, ҳатто бутун қишлоқники, унда ҳар биримизнинг ҳақимиз бордай эди...

Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳаммамиз улғайиб, турли томонларга қараб кетдик. Лекин дўстлар даврасидаги суҳбатларда ҳар гал ўша бир туп олмуруд қайта-қайта ёдга олинади. У шўх-шаддоод болагимизнинг гўвоҳи, бунинг устига бизни доимо ўз мевалари билан сийлаган сахий хокисор онадек эди...

Ўша олмуруд дарахти ҳосилидан бугунги кунда ҳам қишлоқ болалари баҳраманд бўлаётганини кўриб ўйга толман. Бу сермева дарахт қачон экилган ўзи? Нуруний бир отахон менинг саволимни эшитгач, урушдан кейинги йилларни хотирлайди:

— Эркалар кам, аёллар далада бугдой ўрими билан банд, бизлар укаларимизга овқат топиб беролмай нуқул Сайфуллабекнинг уйи ёнидаги олмуруд дарахтига чирмашиб чиқардик. Пишган-пишмаган меваларидан териб, очиққан ука-сингилларимизни тинчитардик. Мевалар хомлигидаям таъмли бўларди. Аслида бу олмуруд дарахтини Сайфуллабекнинг оталари Сайдулло ҳожи экиб кетган. Жаннати одам экан-да, экан дарахти ўзидан кейин ҳам юз йилча ҳосил берди...

Танаси ғадир-будир, шохлари эгилиброқ қолган бу дарахтга тикилиб қолам. Ажаб, худди инсон каби дарахт ҳам бир мўъжиза. Унинг ўз сиру синоати, қонуниятлари, ўз ҳаёт тарзи бор. Меҳр-муҳаббат ва эътибор инсонга қанчалар керак бўлса, дарахт учун ҳам шунчалар зарур. Бир вақтлар қишлоқликлар унинг меваларидан умид қилгани туфайли балки ўша дарахт тинмай ҳосил бергандир? Одамларнинг меҳри ва эътиборидан куч олиб, юз йиллардан буён яшаб келаётгандир.

Айтайлик, эндиги кунларда ҳам ён-атрофимиздаги дарахтларга бизнинг парваришу эътиборимиз зарурлигини ўйлаб кўрганмизми, ҳеч? Меҳримиз ҳарорати ҳар битта дарахтнинг илдизига қувват бериб, умрини узайтира олишини тушуниб етаяпмизмикан?! Бир вақтлар ўзимиздан ортириб, қўни-қўшиларга улашадиган ҳўлу қуруқ меваларни биз ҳозирги пайтда пештахталардан ахтарамиз. Бир ҳовуч майиз ёки туршакнинг фойдаси ўнлаб дори-дармонниқидан кучлироқ эканлигини биламиз. Бирок, бу меваларни ўз ҳовлимизда қандай қилиб кўпайтириш мумкинлиги ҳақида

ўйламаймиз. Бепарволигимиз оқибатида ота-боболаримиз экиб кетган юзлаб турдаги мевали дарахтларга озор етди. Бир неча авлодни боқиши мумкин бўлган анчагина серҳосил боғлар қуриб-қовжиради. Аждодларимиз шифобахш ўсимликлардан тортиб, мевали-меवासиз дарахтларгача, барчасини эҳтиётлаб, асраб келган. Дарахтзорларни парвариш-лаб, янги-янги навлар яратиб, етиштирганлар. Ўрик, шафтоли, нок, қовун,

либ дамланган чой ошқозони заиф кишиларга фойда қиларди. Хуллас, ҳар бир уйнинг ўз табиби бор эди. Қаҳратон қишда ҳам дастурхонларимизда жийда, тут майиз, туршак, олча қоқи, узум ва тут шинилари бўларди. Ҳўлу қуруқ мевалар сероблиги боис дўкондан ширинлик сотиб олишга ҳожат қолмасди...

Табиат она каби сахий! Фарзанд она бағрида ором олгани каби биз ҳам табиат кучоғида яйраймиз, унинг меҳрини ҳис этамиз, юрагимиз билан унга боғланамиз. Аммо табиатнинг олам жаҳон меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлтуриб ўзимиз унга қай даражада меҳр кўрсатаймиз? Худди онамизни асрагандек асраепмизми уни? Афсуски, йўқ. Йигирманчи аср бошларида биосфера ҳақидаги таълимотни кашф этиб дунёга танилган академик Вернадский «Инсоният табиат муҳитини бузувчи, ўзгарти-

ЮЗ ЙИЛЛИК ДАРАХТ



Бир туп ёнғоқ эксанг, бир умр мева терасан

узумларнинг кўплаб турларини ижод қилганлар.

«Бир туп тут эксанг, юз йил гавҳар терасан!» деган мақолни бобом наби-раларига кўп таъкидлардилар. Момом эса тут пишғида шинни тайёрлаб, қишлоқдаги ҳамма уйларга тарқатиб чиқарди. Шамоллаган болалару яримжон кексаларга ёзу қиш қувват бўларди бу шинилар! Дорихона қаердалиги-ю дори нималигини билмасдик. Томоғи оғриган кишига беҳини чўкка кўмиб едирларди. Йўтал тутганда эса уруғи қайнаиб ичирилди. Жийда меваси ич кетганда, туршак ивигилган сув ич қотганда даво бўларди. Жийда пўстлоғи со-

рувчи, қайта тузувчи улкан геологик кучга айланади!» деган экан. Не ажабки, вақтлар ўтиб, ушбу башорат рост чиқди. Йиллар давомида табиатга ётказилган озорлар эндиликда инсониятнинг ўзини ҳам азобламоқда!

«Таркибида фтор ва хлор мавжуд бўлган органик моддалар ҳамда турли захарли моддаларнинг ҳаво атмосфера-сига кўтарилиши натижасида экологик муҳит учун муҳим аҳамиятга эга бўлган озон қатлами тобора юпқалашмоқда. Демак табиатни кимё саноати чиқиндилари ва захарли газлардан сақлашимиз, сув, ҳаво ва тупроқнинг олтингугурт бирикмаларидан ифлосланишининг олди-

Экология ва биз

ни олишимиз зарур» дейди олимлардан бири кўюниб. Шундай экан, гап яна дарахтларга келиб тақалади. Чунки, дарахтлар ёзда соя-салқинлиги, кузда мева беришидан ташқари йил бўйи бизни чанг ва губорлардан ҳимоя этади. Олимларнинг фикрича, бир туп дарахт 24 соат ичида уч киши учун зарур бўлган оксигенни қайтариб беради экан. Бир гектардаги ўрмон эса 24 соат давомида 230 килограммгача ҳажмдаги карбонат ангидридни ўзига «ютиб», 200 килограмм ҳаво оксигени ажратади. Бир гектардаги игна баргли дарахт бир йилда 40 тоннага яқин, япалоқ баргли дарахт эса 100 тоннагача ҳаво чангини ушлаб қолади. Шунингдек, дарахтларнинг шовқин-суронни камайтириш ва атмосферага кўтарилаётган захарли моддаларга тўсқинлик қилишдаги ўрни ҳам беқийс. Кўча ва йўлқаларда ўсадиган терак, чинор, қарагай дарахтларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Демак, яшиллик оламини авайлаб-асраш ўз ҳаётимизни ва саломатлигимизни авайлаб-асраш сингари ўта муҳимдир!

Тутзорларни янада кўпайтириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш фойдадан холи эмас. Бир пайтлар Самарқанднинг чекка туманларидан бирида Мингтут деган қишлоқ бўлган. Айтишларича, ўша кезларда мингтутликларнинг бирортаси шифо истаб касалхонага бормаган. «Мингтутдан келин олсанг, наслинг тоза, фарзандларинг бақувват бўлади» деган ибора тилдан тилга кўчиб юрган. Ахир табибларимиз ҳам «Тут меваси - минг дардга даво, у тоза қон ҳосил қилади» деб бежиз айтишмаган. Бундан кўп йиллар бурун шу қишлоқдаги қалин тутзорлар кесилиб кетди. Эндиликда у ердаги тут дарахтлари эҳтимол юзта ҳам чиқмас...

«Боғни боқсанг боғ бўлар, ботмон даҳсар ёғ бўлар!»

«Умид билан суқилган таёк, бир кун берар меваю япрок!»

«Бир туп ёнғоқ эксанг, бир умр мева терасан!»

Бу ҳикматларни айтиб кетган боболаримизга ҳар биримиз муносиб издошлар бўлмоғимиз лозим. Ахир она тупроқда унган ҳар чўпу хасни азиз билсак, табиий ўт-ўланларнинг яшашига имкон берсак, дарахтларни меҳр билан парваришласак, кўп йиллар соғу омон яшашимиз учун қулай имкон яратилади. Ҳар ҳолда бу нарса бизга, атрофимиздагиларга, ҳар биримизнинг табиатга бўлган муносабатимизга боғлиқ.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Кикбоксинг

ЧЕМПИОНЛИК УЧУН ЖАНГ



26 апрелда Москвада «Арбат» кураш клубида WBKF йўналишида кикбоксинг бўйича профессионаллар ўртасида 93 килограммгача бўлган вазнда чемпионлик учун беллашув бўлиб ўтади.

12 раунддан иборат жанг белоруссиялик Забит Семедовми ёки украиналик Павел Журавлёв кучли эканлигини аниқлаб беради.

Пойга

ЯКШАНБАГАЧА ОМОН БЎЛСАК

Фелипу Массанинг «Феррари»даги келажаги ҳақида гап кетганда, бу Михаэл Шумахер ва Кими Райкконен билан боғлиқ дейишади кўпинча. Жамоа раҳбарияти бразилиялик пойга-



чи ўзини кўрсатмаса бўлмаслигига шаъма қилаётгани ҳам бежизга эмас. Шу муносабат билан Масса ўз интервьюсида шуларни қайд этди:

— Мен асабларимни жиловлаб, пойгага тайёрланишим лозим. Шунинг учун газета ўқимасликка ва радио эшитмасликка ҳаракат қиламан. «Феррари» номидан қатнашиш катта куч ва маҳорат талаб этади. Бизни уйда бўладиган пойга кутмоқда. Натижалар ҳақида эса яқшанбада гаплашганимиз маъқул.

Футбол

СОЛАРИ «МАДРИД»ГА ҚАЙТМОҚЧИ

Ушбу мавсумни «Интер» да ўтказган Сантьяго Солари Испанияга қайтиш ниятида. Аргентиналик чарм тўп устаси ўтган йил августда Италияга кўчиб ўтганидан хабарингиз бор. Аммо у янги жамоа ўйинига сингиб кетолмади.

Хўш, Солари Испанияга қайтса, қайси клуб шарафини ҳимоя қилади? Чамаси унга Мадриднинг «Атлетико» жамоаси харидор чиқса керак. Сабаби, клуб раҳбарлари Амантино Мансини «Рома»га ўтиб кетгач, унинг ўрнига қачонлардан бери ўйинчи излаётган эдилар.

Соларининг «Интер» билан шартномаси 2008 йилгача ва бунинг учун у йилга 1,4 миллион фунтни маош тариқасида олиши белгилаб қўйилган.

БАРЧА УМИД ЖАВОБ УЧРАШУВИДАН

«Милан» ҳужумчиси Филиппо Индзаги Италия матбуотида интервью берди. Асосий савол

ж а в о б «Барселона» билан бўладиган учрашувга д о и р бўлди.

— Мен ушбу ўйинда қатнашишга ҳаракат қиламан, - деди у. — Гриппдан халос бўлиб, машгулотларни бошлаб юбордим. Ички чемпионат доирасида «Мессина» билан учрашувда қатнашаманми-йўқми, ҳозирча билмайман. Лекин «Барселона»га қарши майдонга тушмоқ учун, албатта, ҳаракат қиламан. Чунки барча умид — жавоб учрашувидан.

ЭТО'О: ЗАХИРАДА КЎПРОК ЧАРЧАЙМАН

«Барселона»нинг Испания чемпиони бўлиши тўғрисида энди гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Лекин қачон, деган савол нафақат мухлисларни, шунингдек, футболчиларнинг ўзини ҳам қизиқтирмоқда.

Клуб ҳозир тўплаган очколар сони иккинчи ўринда бораётган «Валенсия»дан 11 тага кўп. Бинобарин, чемпионат якунига бори ўғи 5 тур қолгани назарда тутилса, ушбу дам олиш кунлари бўладиган тур учрашувларида барчани қизиқтирган саволга жавоб олиш мумкин. Бунинг учун «Барселона» клуби «Севилья» устидан галаба қозониши ва



айни пайтда «Валенсия» жамоаси Бильбаонинг «Атлетико» командасига учрашувни бой бериши керак.

— Мен шунинг учун дам олмоқчи эмасман, - деди тўпурар ҳужумчи Это'о. — Қайтага захирада ўтирсам, чарчайман.

МАРАДОНА КАСАЛМИ?

Аргентина оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, Диего Марадона ошқозон хасталиги билан шифохонага ётқизилган.

Бу жаҳон футбол афсонаси билан кечаётган биринчи ҳолат эмас. У илгари ҳам айнан шу ташхис билан Колумбия пойтахти Богота шаҳрида ҳам даволанган эди. Шифокорлар бунинг сабаби қилиб, Марадона қарийб бир йил ичида 50 килограммга озганлигини кўрсатмоқдалар.

GERMANYA — АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Бразилия терма жамоаси бош мураббийи Карлос Альберто Паррейра бўлажак чемпионат ғолиблигига энг асосий даъво-

Спорт оламида

гар Германиянинг ўзи, деган фикрни айтди.

— Италияни не зардан қочирмаган ҳолда, ўйлайманки, Германиянинг имкониятлари барибир кўпроқ, - деди у ўз интервьюсида. — Германия ҳисобида жами еттига финал бор. Қолаверса, жамоа ўз мухлислари кўз ўнгида тўп суради. Буни ҳам, шак-шубҳасиз, инobatга олиш керак.

Бокс

РЕВАНШГА ШОШМАГАН МАЪКУЛ

WBO йўналиши бўйича оғир вазнда чемпионликни қўлга киритган Сергей Ляховчининг ме-неджер Ивайло Готцевнинг фикрича, Леймон Брюстер матч-реваншга шошмаган маъқул. Чунки у Ляховчи билан жангда қаттиқ жароҳатланган. Тузалмай туриб рингга чиқиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қолаверса, менеджер масаланинг молиявий томонини ҳам гап орасида кистириб ўтди. Яъни, жанг ўтказилган тақдирда ҳам ўртага қўйилган маблагнинг катта улуши Сергейга тегиши керак.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

МАМАТ ПОЛВОН ҲИКМАТЛАРИ

Бу дунёда салкам етмиш йил яшаб, қанча ён-бошлаб, қанча таомни сўнгги ошамигача ёб Мамат полвон англаган яқкаю ягона фалсафа шу бўлди: ошхонада чой ичиб кунни кеч қилгандан кўра, чойхонада ош ёб яйраган яхши.

«Мамат полвон овқатни паққос туширди», дегандан кўра, «Йиллар давомида овқат Мамат полвонни паққос еди», дейиш тўғрироқ бўлади.

Мамат полвоннинг ўзига ўзи қиладиган насиҳати: «Бўйнинг темирдан бўлса ҳам аввал у ёқ-бу ёққа қара, сўнг аста чўз!»

Мамат полвон кўшнилари баҳо берганда, бошқаларга ўхшаб у-бу деб ўтирмайди, гапнинг пўсткаласини айтади-қўяди: «Пастки кўшнимми, жа ипириски-да, сўраб чиқай десанг, дурустрок белкураги ҳам йўқ. Болтасининг сопи кўлингни ўйиб ташлайди...»

Мамат полвон қинидан суғурилган қиличдай кўшнисига ташланмоқчи бўлди. Аммо эски белогриги ёдига тушиб, шартта орқасига қайтворди...

Бозор иқтисодиётига бизда биринчи бўлиб Мамат полвон ўтган: бозорда кўй сотса, ирим қилиб арқонини олиб қолади, кўй олса — арқони узунроғини танлайди.



Тўқилмаган тўқималар

ЧИРОЙЛИСИЗ ХОЛОС...

Эр кечки таомдан сўнг китоб ўқир, турмуш ўртоғи эса журнал варақлаб ўтирарди. Бир пайт эр «Ё тавба, сира эшитмаган эканман», деб қолди.

— Нимани адаси? — қизиқсиниб сўради турмуш ўртоғи.

— Мана бу китобда ёзилишича, чиройли ва ақлли хотинлар ўта хавфли бўлар эмиш.

Хотин ороланиб деди:

— Қизик, унда наҳотки мен... ўта хавфли бўлсам?

— Асло! — эътироз билдирди эр. — Сиз чиройлисиз, холос.

ТОПИБ ОЛГАНИМДА БОРМИ...

Гавжум бозорда бир тижоратчи ҳамёнини йўқотиб кўйди. Кўринган кишидан «Мабодо ҳамён топиб олмадингизми?» деб сўрай бошлади. Аравакашлик қилиб юрган ўспирин йигитлардан бири аввалига у бечорани бироз кузатиб турди-да, сўнг олдига келиб жиддий сўради:

— Ака, ҳамёнингизни йўқотиб қўйдингизми?

— Ҳа, йўқотдим.

— Ичида пули ҳам бўлса керак? — қизиқсинди аравакаш бола.

— Бўлганда қандоқ? Роппа-роса юз минг сўм эди-я.

— Мингталикиди?

— Худди шундай, — суюниб кетди пулини йўқотган киши, — топиб олган бўлсангиз...

— Бели синмаган, яп-янги мингталиқлар-а...

— Жон ука, юрагим қинидан чиқиб кетай деганти...

— Суюнчиси борми?

— Топиб берган кишига нақд ўн минг сўм бераман.

— Ўн минг сўм?

— Бор, ана ўн беш минг сўм. Хўш?

— Эҳ, — деди аравакаш бола чуқур хўрсиниб — Топиб олганимда борми, ўн беш кун мазза қилардим-а...



ПИВОХЎРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Кўк чойни мириқиб симираётган чойхўрлардан бири муҳаррирдан қайтган шеърларини устма-уст тахлар экан, ўтган жума олтинчи саҳифада хабари босилган ёш чойхўрдан сўради:

— Кексалар ичадиган пиво чиққанмиш. Ёшлар ҳам ичса бўлармикин?

— Йўғ-е, номи нима экан?

— «Қариганда»

— Э, соддаси тушмагур-ей, «Қариганда» эмас, «Қараганда». Физиллаб бориб иккита олиб кел, қанақа ичилишини ўзим кўрсатаман.

— Кўшним Мамарайим пиво дўкони очиб роса бойиб кетди-да.

— Ростданми?

— Ие, нега ишонмайсиз, пивоҳўрлар эрта азондан навбатга туришибди. Барака топгур, эпчил болада. Кеча биттаси айтиб берди, пивони гапиртириб сотаётганмиш...

— Ол-а. Гапиртириб эмас, кўпиртириб сотаётгандир. Шунақа қилмаса бой бўлармиди.

— «Кибрай» пивосининг «Олмалик» пивосидан нима фарқи бор? — ажабланиб сўради ҳаваскор чойхўрлардан бири.

— Фарқи йўқ, — деди бошқа бир ҳаваскор, — пиво келгунча томоқни хўллаб турса бўлади.

— Бир вақтлар «Бешёғоч» деган пиво бўларди, заводи бузилди, ҳеч қаердан топиб бўлмай қолди, — деди тажрибали пивошунос чойни устма-уст қайтарар экан.

— Жуда зарилми, — ажабланиб сўради шогирд бола.

— Шунга ҳам билмайсанми, «Сауна»га кириб тошга селсанг, ана роҳату мана роҳат!

*Ҳар ёзилган шеър бўлмас,
Ҳар кўринган — эр бўлмас.*

— Султонхўжа «Пуллик ҳожатхона қурдим, ишим юришиб кетди», деб роса мақтаниб юрган эди, кеча кўрсам, полуги анча пасайиб қолибди...

— Ҳа, бечоранинг кўли энди ошга етганида олгирлар ишининг пачавасини чиқаришди.

— Нима бўлди?

— Тадбиркорлар ўртасида рақобат кучли экан. Пиво дўконини нариги маҳаллага кўчириб кетишди.

— Газетада ўзим ўқидим, — ҳовлиқиб деди икки ҳафтадан бери чойни насияга ичаётган чўққисоқол чойхўр. — Орол кўлининг бир бўлаги шўрланиб... пивога айланиб қолганмиш.

— Ростданми? — ишонқирамай сўради жамоатчилик орасида чой ташиб юрган шогирд болалардан бири. — Ундок бўлса зудлик билан уша кўлнинг тўрт тарафини ўрикзорга айлантириш керак.

— Нега энди?

— Шунча пивони шўрданаксиз ичиб бўлармиди, ака?

— Ҳой, чойхоначи ука, дамлаган чойингдан пивонинг ҳиди келяпти-ку! — аччиқланиб деди ҳаваскор шоир.

— Босилмаган бир даста шеърларингизни ўқиб, ижодингизга мослаб дамладим, — бўш келмади чойхоначи. — Коньякнинг ҳиди келишига ҳали уч-тўрт қовун пишиғи бор, чамамда...

— Пивонинг ўткирини уйда ичган маъқул экан, — деди ҳаваскорларнинг шеърини машқларига обзор ёзиб юрадиган ёш танқидчи.

— Нега энди уйда? — эътироз билдиришди бир неча чойхўрлар баб-бараварига.

— Кўча — кўча-да, — дея мингирлади танқидчи, — бир гап бўлса, зум ўтмай бутун шаҳар эшитади...

Беморхона

ТУШЛИК НИМА БЎЛАДИ?

— Сизни овчи дейишади, шу тўғрими? — сўради доктор бемордан.

— Тўғри, ёввойи ўрдак, тустовуқ ови жону дилим.

— Яна нималар отасиз?

— Туй-ҳашамларда бир шиша-ярим шиша отиб турамыз, ёмонроқ ётиб қолсақ, хуррак ҳам отамиз...

— Бугун жуда очилиб кетибсизми? — деди ёш бемор томирдан дори юбориш учун биллагини аста силаётган ҳамширанинг кўлини ушлаб.

— Ҳар кунгидайман, — бамайлихотир жавоб қайтарди ҳамшира, — сиз бўлсангиз тузала бошладингиз.

— Доктор, бир ҳафтадан бери нуқул товуқ шўрва ичаман, бошқа таом истеъмол қилишга рухсат берсангиз.

— Марҳамат, эртадан бошлаб бемалол хўроз шўрва ичишингиз мумкин.

— Бемор, мен сизга чекишни ташланг, дегандим-ку, оғзингиздан сигаретанинг ҳиди келиб турибди.

— Ишонинг, доктор, ростдан ҳам ташладим.

— Қачон ташладингиз?

— Палатага кириб келишингиз билан.

— Доктор, операция қанча давом этиши мумкин?

— Бир ярим-икки соатларга борса керак.

— Ие, унда тушлик нима бўлади?

— Мана сизга уч хил дори, — деди врач беморга, — биттасини овқатдан олдин, биттасини овқат маҳали, мана бунисини эса овқатдан кейин ичасиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, аммо бу дориларингиз етмаса ке-



рак?

— Нега энди?

— Ўзингиз айтганингиздек, мен оз-оздан кунига беш маҳал овқатланаман.

— Бемор Бобоев, ўрнингизга ётинг. Сизга яна осма укол тайинлашибди.

— Шу дорини томирдан юбормай ичворса бўлмайдимми?

— Бўлади, аммо шундай қиммат дорининг ярми исроф бўлади-да...

БУГУННИНГ ГАПЛАРИ

Думбаёғ — ошга хусн,

Қора соч — бошга хусн.

Гоҳо бемаза таомни ҳам охиригача ейдилар.

Шеърлик даражасига етмаган шеърни шеър деб, кўтариб юриш — шерлик эмас!

Насияга мол бермайдим, билингни, бу тужжорнинг отаси ҳам тужжор ўтган.

Бозорда сабзи ўтмай ётган бўлса, бу ҳали ошнинг таназули эмас!

Ер чарчаса чарчасину

Эр чарчамасин!

Хуржун бўшми, демак девона — аразчи!

Қизиққон одам қизариб-бўзариб гапирарди, аммо унинг гаплари ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Саҳифа муаллифи АҲМАД ОҒА



ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

Турфа олам

УЛЬТРАТОВУШ ТАЪСИРИ

Тиллодек сап-сариқ узум сувини ичган кишининг аъзойи бадани яйрайди. Лекин уни бундай тиниқ қилиш учун консерва заводининг ходимлари беш ой овора бўлишларини камдан-кам одам билса керак.

Гап шундаки, янги сиқиб олинган узум сувиди мусаллас дурдаси ва бошқа аралашмалар бўлади. Шунинг учун илгари узум сувини катта-катта идишларга солиб, 3-5 ой давомида сақлаб туришарди. Шу вақт ичида мусаллас дурдасининг кристаллари идиш тагига чўкиб, узум суви тинарди. Консерва заводи мутахассисларининг изланишлари туфайли узум суви беш ойда эмас, уч кунда тиндиришга муваффақ бўлинди. Бундай ажойиб натижага ультратовуш туфайли эришилди.

Бу гал узум суви тинчгина идишга солиниб тўлдириб қўйилмайди, балки парраклар ёрдамида қаттиқ чайқатилади. Сўнгра иккита генератордан чиққан ультратовуш тўлқинлари узум суви орқали ўтади.

Шундан кейин узум сувини сепаратордан ўтказиб, мусаллас дурдаси ва бошқа аралашмалардан тозалаш оппа-осон бўлади. Бундай йўл билан тайёрланган ва ҳозирнинг ўзида бир неча юз минг банкга етган зилолдек узум сувига мутахассислар юқори баҳо бермоқдалар.

ЎТА СЕЗГИР АСБОБ

Бир вақтлар тадқиқотчи олимнинг эшитиш қобилияти жуда зўр эканлиги, у ҳатто ўсимликларнинг ўсишини ҳам эшита олиши тўғрисида мишмишлар тарқалган эди. Дарҳақиқат, кимда-ким олим тажриба ўтказиб таниқ қилинган, у дарҳол ўгирилиб қарарди. Ходимлар уни гафлатда қолдирамиз деб ҳар қанча уришишмасин, уйларида атайин олиб келинган кигиз шиппақда унинг орқасидан эҳтиёткорлик билан товус юриш қилиб келишмасин, олим барибир пайқаб қоларди.

Бундай сезгирлик олимга эмас, балки унинг электр майдонини ўлчайдиган асбобларига хос эканлиги ходимларга кейинроқ маълум бўлиб қолди.

Асбоблар шунчалик сезгирки, одам яқинлашди дегунча стрелкалари дарҳол у ёқ-бу ёққа бурилади. Қизиғи шундаки, стрелкалар эркак киши яқинлашаётганида бир томонга, аёл киши келаётганида эса бошқа томонга бурилади.

«АТОМ РЕЗИНА»

Бу резина ажойиб хусусиятлари билан оддий резиналардан фарқ қилади. Ундан 600 даража иссиқ ҳамда шунча даража совуқ шароитда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг устига, янги резинани металлларга яхши ёпиштириш мумкин. Электротехникада ҳеч қанақа изоляция материали унинг олдига тушолмайди. Резинани ҳосил қилиш усули ҳам жуда галати. Резина гамма нурлари воситасида ҳосил қилинади. Гамма нурлари хомашёга таъсир қилганда, резина гоят чидамли бўлиб қолади.

Синтетик каучук соҳаси мутахассислари томонидан яратилган бу хил резинани кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди.

А. АЛИЕВ

Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кенгаши Ўзбек Миллий академик драма театри актери, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовга падари бузруквори **АБДУҚУНДУЗ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Одоб	Полиз экинни	Хўл мева	Сув йўли	Лотин ҳарфи	Одим	Чаққон	Илтимоснома	Йил фасли	Матонат	Савдо маскани
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
○	○	○	○	○	○					
						○	○	○	○	○
Курук мева	Газлама	Сўз кўрки	Қазноқ	Авто марка	От туси	Миллий таом	Илмли аёл	Улкан тоғ	Ўсимлик олами	Футбол жамоа
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
○	○	○	○	○	○					
						○	○	○	○	○

Муштарий фикри

ТУГАНМАС МАНБА

Тўғриси, адабиёт ва санъат кишилиқ тарихида муҳим рол ўйнаган. Шу боис ҳам буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий, Муқимий, Фуркат, Абдулла Қодирий, Хамза, Суфизода, Гафур Фулом, Ойбек, Хамид Олимжон ижоди биз ёшлар учун билим, одоб ва ахлоқ, инсонийлик, она Ватанни севишга қорлайдиган туганмас манба.

Бироқ, жаҳон адабиётини кўя турайлик, бугун мактабни тугатаётган ёшлар ён кўшнимиз, тожик, туркман, қозок, қирғиз, қорақалпоқ адабиётини ҳам яхши билмайдилар. Болтиқ бўйи, Кавказ халқлари адабиёти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ёки билсак ҳам, машхурларини биламиз, холос. Нега шундай? Бунинг жуда кўп сирлари бор. Бу, биринчидан, бошқа шоир ва ёзувчиларнинг асарлари тилимизга кам таржима қилинишида, рус тилига таржима қилинганларни эса ҳамма ҳам ўқий олмаслигида, деб биламиз. Ахир ўйлаб кўринг ўз адабиётини ва санъатини мукамал билиш билан бирга қардош халқлар адабиётларини ҳам яхши билиш зарар эмас-ку.

Шу боис Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан келишилган ҳолда журнал ва газеталарда «Кўшнилариимиз адабиёти» ёки «Гулдаста», «Қардошларимиз адабиёти» каби рунлар очилса. Бунда қардош халқлар адабиётларининг тарихи, ҳозирги куни, кино ва эстрада санъати юлдузлари ва ҳоказолар ҳақида мақолалар бериб борилса, айна мударда бўларди. Шу билан бирга ёш шоир ва ёзувчиларимиз билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиб турилса... Ёки адабий нашрларимиз ҳар йили бир марта ўз мавқеидаги газета ва журналлар билан саҳифалар алмаштира?

Аннамурад ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сариоёй тумани

Сканвордни тўғри ҳал эта олсангиз шакл айланаларидаги ҳарфлардан халқ мақолларидан бирини билиб оласиз.
Тузувчи **Ф.ОРИПОВ**

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» очик аукцион савдоларига таклиф этади

«Ишонч» газетасининг 2006 йил 15 мартдаги 46(2095) сониди чоп этилган аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги эълон куйидаги тахрирда ўқилишини маълум қиламиз.

2006 йил 25 апрел куни соат 11.00 да, 27 апрел ва 4, 11 май кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносиди, объектнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Уста Ширин кўчаси 116 уйда жойлашган Тошкент «Компрессор» заводи очик акциядорлик жамиятининг умумий бошланғич баҳоси — 636 350 400 сўм бўлган куйидаги мулклари куйилади:

1-ЛОТ — Мол-мулк мажмуаси (бино, иншоот ва асбоб-ускуналари), **бошланғич баҳоси — 630 867 841 сўм.**

2-ЛОТ — КАМАЗ-5320 русумли, давлат рақами 10 АГ 607, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 4 271 468 сўм.**

3-ЛОТ — КЗАП-9370 русумли ярим тиркама, давлат рақами 53-44 ТН, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 1 211 091 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосиди қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закатлат пули тўлаши шарт.

Закатлат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Кўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Маъмулийлик: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қорақамийш 2/4 дарваси, М.Ўрозбоев кўчаси 1 «А» — уй, Республика Кўчмас мулк биржаси, 2-қават, 207-хона.
Маълумотлар учун телефон: 399-80-23 Факс.

Маънавий дунёнинг боқий жиҳатлари бор. Ана шундай жиҳатлардан бири-қўшиқчилик санъатидир. Одамлар кўшиқ тинглайдилар, кўшиқ ижро этадилар, унга интиладилар. Кискаси, кўшиқ зарурияти нон ва сув қадар... Олдийгина қилиб айтадиган бўлсак, кўшиқсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Кўшиқсиз юрак торлари тебранмайди, туйғулар жўшмайди, кўнгилда эзгулик илдиз отмайди. Кискаси, юксак инсоний қадриятлар кўшиқ туйғули улуғланади ва ўз ифодасини топади.

Ҳақиқий кўшиқ юракларни ларзага келтиради. Ўтмиш ва бугунги кечмиш моҳиятини ифода этади. Кейин ўша кечмиш руҳиятингизда англаш, идрок этиш асосида ўз аксини топади. Бу эса юқорида айтилганидек, чин кўшиқ таъсирида юзага келадиган маънавий хилқат. Бу хилқат фақат эзгулик сари хизмат қилмоғи эса айни муддао. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Куйидаги мухтасар ҳикоямиз қаҳрамони ана шундай, мумтоз кўшиқлар ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилнура Қодиржоновадир. У жону жаҳони билан куйлайди. Сўз билан мусиқа уйғунлигида юзага келган оҳангни, таъбир жоиз бўлса, жону томирида, минглаб хужайраларида, сезгиларида кечиради. Шу боис унинг ҳар бир ижроси ҳақиқий санъат шинавандалари томонидан қадрланади. Бурноғи йили Наврўз байрами тантаналаридаги чиқиши Дилнура учун катта синов вазифасини ўтади. Ўзига ишончи ортди. Орадан сал вақт ўтиб у «Шарқ тароналари» халқаро фестивали голиби ҳам бўлди. Бироқ бунга осонликча эришгани йўқ, албатта. У бу йўлда том маънода тинимсиз меҳнат қилди, изланди. Ниҳоят миллий ва мумтоз кўшиқлар ижрочиси сифатида танилди, тан олинди.

— Бундай кўшиқларни эшитсам сеҳрлангандай, бошқа бир дунёга келгандек эдим, - дейди Дилнура. — Кейин эса ўзим уларни ҳаяжонсиз ижро этолмайдиган бўлдим. Устозларим кўз олдимга келади. Улар кўшиқ куйлаганида юрагидан нур таралади гўё...

ДИЛДАГИ НУР

Ҳозирги кунда Дилнурани тинглаётганлар кўнгилидан ҳам шунга ўхшаш хаёл кечиши табиий. Талаффуз равонлиги боис сўзлар аниқ ва тиниқ чиқади. Овоз қўламининг кенглиги, баланглиги, шу билан бирга, унга жило бера билиш ҳам мумтоз кўшиқчининг нақадар истеъдодли эканлигидан далолат беради. «Феруз», «Доғман», «Ҳоли паришоним менинг», «Бир келиб кетсун» сингари бир қатор кўшиқлар шу тарих талқин этилади.

Яна бир гап. Дилнура Қодиржонова ўта камсуқум, ўзига нисбатан талабчан ва ўз ўрнида қатъиятли ҳамдир. Хонанда бўш вақтини фарзандлар тарбияси ва мутолаа билан ўтказади.

— Бола тарбияси ўта жиддий масала, деб ўйлайман. Бунинг учун вақт топишга ҳаракат қиламан. Кўшиқчи эканман, дея фақат кўшиқ айтиб юраверсам, фарзанд тарбияси «ўлда-жўлда» — бир аҳволда қолмайди, - дейди Дилнура. — Мутолаа эса ўзимни ҳам тарбиялайди. Фузулий, Машраб, Фурқат, Муқимийлар шеърятини севаман. Ҳазрат Навоийни қайта-қайта ўқийман.

Ёруғ манзил



**Мени мен истаганлар ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас...**

Марварид шодасидек гўзал бу байтнинг ўзи тайёр кўшиқ эмасми? Ҳа, кўшиқ дегани шу, у сўздаги моҳият таъсирида юзага келади. Мен ҳам энди тушуняпман, англаяпман. Тинглаган одам сел бўлади. Одамлардан дард аригандек бўлади. Ҳақиқий шинаванда ким ўзи? Мен бир косибни биламан. Маъмуржон Узоқову Муроджон Аҳмедовларни эшитса, турган ерида қотиб қолади...

Илҳом КАРОМОВ

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

«Минг бир ҳадис»дан Аллоҳнинг наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар иззат қилинадиган уйдир.

Ўзингизга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўринг!

Дўстингизни энгилроқ севингки, кунни келиб у душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингизга ҳам энгилроқ адоват қилингки, кунни келиб у дўст бўлиб қолиши мумкин.

Дехқончилик қилинлар, чунки у баракали касбдир. Дехқончиликларингни кўриқловчи соқчиларни кўпайтиринлар!

Қачонки бирор ёмон иш қилиб қўйсанг, дарҳол бир савобли иш ҳам қилиб қўй.

Умнатларим учун энг қаттиқ кўрққан жиҳатларим: қорин солиб семириш, сер уйқулик, дангасалик ва сўст эътиқодда бўлишдир.

Яхшиликни чиройли юзли кишилардан кутинлар.

Бирор кишини худонинг дўсти эканлигини билмоқчи бўлсаларинг, одамларнинг унга нисбатан мактовларига қаранлар.

Агар гуноҳ иш махфий қилинса, фақат эгасигагина зарар қилади. Ошқора қилинса-ю уни ўз вақтида олди олинмас, ҳаммага зарар қилади.

Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз, демак сиз ҳақиқий мўминдирсиз.

У дунё таниган кароматпеша эди. Шеъринг тўртликлар шаклида ёзилган «Центуралар» ва «Ишоратлар» деб номланган китоблари ўз соҳибининг ўта фаройиблигидан далолат бериб турарди. Ушбу китоблар муаллифининг баён этишича, башоратлар 1555 йилдан то 3797 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади ва бутун дунё тақдирига дахлдордир.

Ҳўш, башоратчининг ўзи ким эди? Бу ажойиб ҳислатли инсон Мишел Нострадамус асли Франциялик бўлиб, 1503 йилда таваллуд топган. У Қирол Карл IX нинг шахсий табиби ва қиролнинг онаси Екатерина Медичининг мунажжими эди. Нострадамус жуда кичиклигиданоқ Инжилини, Миср ва форс донишмандлик китобларини, юлдузлар ҳолатини чуқур ўрганиб борган. У ўттиз ёшга етгач гўзал бир қизга уйланади, лекин кейинчалик хотини билан иккита боласи юқумли касалликдан нобуд бўлади. Ўзи ҳам башоратлари туйғули гулҳанда куйдрилишига бир баҳя қолади. Тақдир тасодифи боис ўлимдан омон қолгач, иккинчи маротаба уйланади. Қайлиғи бой бева бўлмиш Анна Жемал эди.

Башоратчи кўплаб қиролларнинг ва нуфузли кишиларнинг келажақ йўлини олдиндан айтиб беради. Дастлаб унинг айтганларига кўпчилик деярли эътибор ҳам бермайди. Аммо кейинчалик айрим башоратлари ростга айланганидан сўнг унга ишона бошлайдилар. (Хатто Нострадамуснинг башоратига кўра Рим папасига суиқасд уюштирилгач, унинг китобларига аҳоли ўрта-сида қизиқиш кучаяди).

Нострадамус сулолалар ва Рим папаларининг ҳукмронлик

Сирли олам

даврини, хатто шахсларнинг тақдирига оид ўзгаришларни, шу сингари ўша кезларда, яъни 1572 йил рўй берган Варфоломей тунидаги қирғинни, Наполеон мағлубиятини, Москвадаги ёнғинни, Бавариядаги қотилликни, коинотдан онгли мавжудотларнинг ерга ташриф буюришини, шунинг-


беради дейди.

Башоратчи Европанинг ҳозиргига нисбатан мутлақо ўзгача ҳолатини ҳам кўра олади ва агар Европа бирлашсаю Швейцариядан туриб бошқарилса, у XXII асрда кутилаётган қора қисматдан қутулиб қолиши мумкин дейди. Нострадамус Европада тинчлик ва

ТАҚДИР ЁЗИҒИ

дек, ўзининг ўлимидан кейин 220 йил ўтиб рўй берадиган француз инқилобини рўйи-

эркинлик ҳукм сурадиган пайдан ҳам дарак беради, афсуски, бу давр кўпга бормайди.



рост айтиб берган. У инқилоб нафақат Франция учун, балки бутун жаҳон тақдирини муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган. Нострадамус Женевани ўз китобида «жаннат боғи» деб таърифлайди ва у талон-тарож қилиниши, халқнинг заҳарланишидан дарак

Башоратчининг айтишича Фаластинда араблар билан яҳудийлар уруши узоқ вақт давом этади. Хуллас, ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги кун, ҳам келажақ тўғрисида ақл бовар қилмас даражада аниқ башоратлар қилган ўрта аср алломаси Нострадамуснинг валийлигидан воқиф бўлганлар бугун ҳайратдан бармоқ тишлаб ўтирибдилар.

Мишел Нострадамус 62 йил 6 ой ва 12 кун умр кўрди. Буюк башоратчи 1566 йилда вафот этди. Уни ўз истагига кўра тик турган ҳолда дафн этдилар.

ГУЛЖАМИЛА тайёрлади

24-30 апрел

МУНАЖЖИМАЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Яқинларингиз билан алоқангизни мустаҳкамланг. Ҳамма ишингиз жойида. Энди соғлигингиз ҳақида ҳам қайғуринг.

БУЗОҚ. Ушбу ҳафта янги ҳамкор орттирасиз. Фақат эътиборлироқ бўлинг. Чув тушиб қолишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР. Учрашувлар ва шартномаларни ҳафтанинг бошига режалаштиринг. Бу сиз учун фойда келтиради. Яқшанба кунни асабларингизга дам беринг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафта давомида ҳамма ишингиз бир маромида кечади. Молиявий муаммоларингизда эътиборлироқ бўлинг. Сизга боғлиқ бўлмаган ишларга бош суқманг.

АРСЛОН. Ушбу ҳафта омадингизга таяниб шахсий ҳаётингиздаги муаммоларингизни бартараф қилишингиз мумкин. Ҳасад ва ёлгон сизга ёрдам бермайди. Раҳбарлар билан муомилада эҳтиёт бўлинг.

ПАЗИЗОД. Душанба кунингизни санъатга бахшида этинг. Лекин, ҳеч қандай бизнесга эмас. Катталар ва яқинларингиз билан тортишманг. Чунки бу бефойда. Яқшанба кунни бир қанча ишлар билан машғул бўласиз.

ТАРОЗИ. Ҳафта давомида ҳеч кимга қарз берманг. Акс ҳолда зарар кўрасиз. Дам олиш кунни кўнгилисиз хабар эшитасиз. Иқтисодчилар учун ушбу ҳафта омадли келади.

ЧАЁН. Оила аъзоларингиздан бири сизга фойдали иш таклиф қилади. Ишда ҳеч қандай хатоликка йўл қўйманг.

ЎКОТАР. Анчадан бери аразлаб, кўришмай қўйган дўст-биродарингизни меҳмонга таклиф қилинг. Кечиримли бўлинг. Жиддийликнинг вақти эмас. Акс ҳолда ёлғизланиб қоласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта бошида ташвишларингиз бироз кўпаяди. Шартнома ва учрашувларни қолдирманг. Ҳеч иккиланмай дадил қадам қўйинг.

КОВҒА. Ушбу ҳафта яқинларингиз ҳолидан хабар олинг. Сизнинг улар олдидаги бурчингиз борлигини унутманг. Дам олиш кунни оила аъзоларингиз билан маданий хордик чиқаринг.

БАЛИК. Кундалик ишлардан асабларингиз анча толиққан. Ҳамма муаммоларни унутиб, кейинга қолдиринг. Кўпроқ оила даврасида бўлинг. Яқшанба кунни муаммоларингиз ечими топилади.

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЁВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет-усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Махсус: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Бошига топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Тиражи: 15408

Буюртма Г— 614

«Шарқ» нашриёт-матбаа акцидорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ